O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 2-iyun, chorshanba ● № 23 (674) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ТАРАҚҚИЁТГА ЧОРЛАЙДИ

Маънавий баркамол инсон ўз эли олдида турган энг муҳим, энг долзарб вазифаларни чин юрақдан тушунган ва ўзининг барча имкониятларини ана шу бурч ва вазифаларни сидқидилдан адо этишга сафарбар этган фуқародир.

⇨ 2-бет

УЛКАН ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Давлатимиз раҳбари томонидан шаҳарни ҳар томонлама тараққий эттириш, янада обод қилиш, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

⇨ 3-бет

СОҲИБҚИРОН БОБОМГА ДЕГАНЛАРИМ

Бобожон, Истиқлол туфайли панд-насиҳатларингиз, ўгитларингиз битилган китоблар ўзлигимизни англатди. Айниқса, «Зафарнома», «Темурнома» дунё юзини кўргани бизни мозий сирларидан бохабар этди.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 26 май куни Андижон вилоятида, 27 май куни эса Фарғона вилоятида бўлди.**

■ 28 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йилги ва 2010 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар тасдиқланди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.**

■ Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон ва Венгрия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбир Ўзбекистон-Венгрия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.

Бизнес-форум якунида мамлакатимизнинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Венгрия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

КАМОЛОТ ВА ГЎЗАЛЛИК БЕЛЛАШУВИ

Спорт билан шуғулланиш баркамоллик белгиси. Бугунга келиб ушбу тушунча халқимизнинг онгу шуурига сингиб улгурди. Айниқса, юртимизда ёшлар спортига бўлган эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бугун республикамизда спортнинг кўп турлари бўйича жаҳон чемпионлари етишиб чиқмоқда.

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ яратилган ва ҳали жаҳон тажрибасида кузатилмаган уч босқичли узлуксиз тизим — «Умид ниҳоллари», (умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида) «Баркамол авлод» (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида) ҳамда «Универсиада» (олий таълим муассасалари талабалари ўртасида) спорт мусобақалари ўтган қисқа даврда том маънода баркамоллик беллашувлари тимсолига айланди.

Юртбошимизнинг «Универсиада — 2010» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригидаги *«Мамлакатимизда бешинчи бор ўтказилаётган Универсиада ўйинлари, мана, ўн йилдирки, нафақат унинг иштирокчилари, балки барча ўғил-қизларимиз, бутун халқимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, Ўзбекистон талаба-ёшларининг нуфузли спорт анжуманига, таъбир жоиз бўлса, кичик олимпиадага айланди, десак асло муболаға бўлмайди»*, деган сўзлари мусобақа иштирокчилари ва мамлакатимиз ёшларига нечоғли катта ишонч билдирилаётганидан далолат беради.

Эътиборлиси шундаки, бу тизим ҳозирнинг ўзидаёқ дунёнинг кўпгина давлатларида қизиқиш уйғотмоқда. "Универсиада" биринчи бор 2000 йили Наманган шаҳрида ўтказилди ва унда талабалар спортнинг 7 тури бўйича ўзаро куч синашди. Бухоро шаҳри мезбонлик қилган "Универсиада — 2002" спорт байрамида унинг дастуридан спортнинг 12 тури ўрин олди. Кейинчалик 2004 йили Самарқандда, 2007 йили эса Тошкент шаҳрида ана шундай беллашувлар бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 28-30 май кунлари Андижон шаҳрида мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2010» спорт мусобақалари ҳар қачонгидек тартибли, кўтаринки руҳда, зўр уюшқоқлик билан ўтказилди. Уч кун мобайнида Андижон давлат университети, Олимпия захиралари спорт коллежи, Андижон давлат тиллар педагогика институти, Андижон тиббиёт институти, Андижон қишлоқ хўжалик институти, АДУ қошидаги 2-сон академик лицей спорт мажмуалари, Андижон болалар футбол академияси, «Наврўз» ва «Соғлом авлод» стадионлари, Андижон теннис корти ҳамда шаҳардаги 30-умумтаълим мактаби спорт залларида спортнинг ўн икки тури бўйича юртимизнинг барча вилоятларидан 1800 нафарга яқин энг истеъдодли йигит-қизлар ғолиблик учун майдонга чиқдилар. Дўстона ва ҳалол рақобат руҳида ўтказилган мусобақалар якунида иқтидорли спортчилар 176 олтин, 176 кумуш ва 191 бронза медалларига сазовор бўлишди.

— Мусобақаларнинг ҳар бири қизғин беллашувларга бой бўлди. Мақсадимиз кучли тартибда тузилган терма жамоамиз билан ғалаба қозониш эди, — дейди «Универсиада — 2010» мусобақасининг футбол бўйича олтин медаль совриндори, Тошкент давлат жисмоний тарбия институти талабаси Фозил Мусаев. — Айниқса, Ислом Иномов, Рустам Қодиров, Азиз Ибрагимов, Эркин Жабборов, Шаҳоб Жўраев сингари иқтидорли футболчилар яхши натижа кўрсатгани мураббийларимизни ҳам қувонтирди. Энди жамоа билан ўз маҳоратимизни ошириб халқаро мусобақаларда ҳам иштирок этиш ниятидамиз.

(Давоми 2-бетда.)

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

САНА

БЕҒУБОРЛИК ОНЛАРИ

Болалик... Умрнинг тонг ҳавоси каби беғубор фасли. Унда орзулар ҳақиқатларга, истаклар имконларга ҳамоҳанг бўлади. Чексиз қувончу шодликларга чулғанган мурғак вужудларда ҳайратлар жўш уради, болаликнинг кафтларига осмон юлдузларини узатади. Бу даврда ана шундай сеҳрли ҳиссиётларга асир бўлмаган мурғак топилмаса керак. Ахир болажонларнинг шўх-шодон қийқириғи оламни тўлдирган куни дунё янгидан яралади, дейишади-ку. Бунинг замирида олам боладек маъсум, гўдакдек беғубор бўлсин, деган истак яширин. Бирор инсон йўққи, олис йиллар ортида қолиб кетган пошшолигини ширин бир энтикиш билан эсламаса, маъсумлик даврини хотирлаганда юраги орзиқиб кетмаса.

Юртимизда болажонларнинг севимли байрами бўлган 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни Баркамол авлод йилида ҳар йилгидан ҳам ўзгача кўтаринкилик билан нишонланди. Турли маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, марафонлар, ижодий анжуманлар, концертлар, учрашувлар, саёҳатлар ташкил этилди. Сўлим оромгоҳлар, истироҳат боғлари болажонлар ихтиёрига топширилди. Айниқса, бундай масканларга Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаблар, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг болажонларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Аслида ўзбек халқи азал-азалдан болажон халқ. Ёшу қари болаларни бирдек севади, ардоқлайди. Алқисса, бор бўлсин болаларча беғуборлик!

Ислом СУЛТОНОВ

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилингани ва айни пайтда шу номдаги Давлат дастурининг амалда изчил татбиқ этилаётгани келажакни ўйлаб қилинаётган ишларнинг салмоғи ва кўламидан далолат бермоқда. Жорий йил учун тайёрланган Давлат дастури мамлакатимиз ёшларининг барча гуруҳларини қамраб олгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Келажакка ғамхўрлик

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилаётган бундай ислоҳотлар Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган уч босқичли таълим тизимининг афзалликларини амалда намоён этаётир.

2009 йилда иқтисодиёт тармоқларининг кичик мутахассис кадрлар билан таъминланиш ҳолати ўрганилиб, ҳудудлар бўйича муайян мутахассисликларга бўлган эҳтиёж қондирилганини ва янги мутахассисликларга келажакда талаб мавжудлигини инобатга олган ҳолда, 159 та касб-ҳунар коллежида 86 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, 34 та касб-ҳунар коллежининг ихтисослиги ўзгартирилди.

Таъкидлаш керакки, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг моддий-техник базасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2 »

МОЗИЙ СИРЛАРИ

КЎҲИНУР АФСОНАСИ

ёхуд оламнинг икки ярим кунлик сарфига тенг олмос ҳақида

Ориятдан яралган миллат

Ўтмишда яшаб ўтган буюк шахслар нимага эришган бўлсалар ҳаммасига қалбларидаги олий туйғу— миллий ориятнинг кучи туфайли эришган. Ўрта асрлардаги дунёнинг 700 та буюк шахсидан 500 таси боболаримиз бўлгани бизга катта шараф ва масъулият юклайди. Чунки, улар яратган бой маънавий меросга ворис бўлиш билан бирга уларни ҳам юксалтирган миллий қадриятларга ҳам эгамиз.

Халқ эпосида орият масаласи

Маълумки, "Алпомиш" достони ўзида миллатимизнинг қадимий қадриятларини, миллий ғурурини юқори пардаларда куйлаган мукаммал халқ эпоси ҳисобланади. Баъзи маълумотларга кўра, "Алпомиш" достонига асос бўлган энг кўҳна халқ эртаклари ва афсоналари бундан 2,5-3 минг йиллар аввалги замонга бориб тақалар экан. Достонни ўқир экансиз, миллий ғуруردан қалбингиз нурга, билагингиз кучга тўлади. Ёки бахшиёна қилиб айтадиган бўлсак, Ватан ори учун сув келса симириб, тоғ келса кемириб курашишга чорлайди. Достоннинг сюжети халқнинг бойларидан бўлмиш ака-ука Бойбўри ва Бойсаринининг тўйга бориши, у ерда эса ака-укага фарзандлари бўлмагани учун ҳеч ким иззат-икром кўрсатмагани билан боғлиқ воқеадан бошланади. Шунда ака-ука бойларнинг ори келиб:

Бефарзанднинг йиққан моли зояди,
Яратганим бир тирноқдан ояди,
Шул сабабдан хумор кўзим ёшланди...

дея эл-улусни тарк этдилар... Бу ерда халқ етакчисининг ўз халқи олдидаги масъулияти, халқнинг эл бошининг ўтиб кетганидан кейинги тақдири орият нуқтаи назаридан тасвирланмоқда.

8 »

КЕЛАЖАККА ҒАМХЎРЛИК

(Бошланиши 1-бетда.)

Кейинги йилларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Мебеллар, ўқув лаборатория жиҳозлари, техник воситалар ва кўргазмали қуроллар, дарслик ҳамда ўқув-методик қўлланмалар харид қилиниб, таълим муассасаларига етказилди.

Биргина 2009 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар тизимида 533,4 млрд. сўмлик инвестиция ўзлаштирилди. Шундан 467,7 млрд. сўми янги қурилишларга, 65,7 млрд. сўми эса таъмирлаш ишларига сарфланди.

Мамлакатимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришда хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш бўйича бир қатор мақсадли ишлар амалга оширилди. Хусусан, охирги 10 йилда (Осиё тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония, Германия, Польша ҳукумати) 5 та кредит ва Германиянинг техникавий ҳамкорлик ташкилоти, Швейцария ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги, Япония ҳукуматиинг JICA лойиҳалари бўйича 6 та грант самарали якунланди.

Мазкур лойиҳалар доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари 130 млн. АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Соҳада фаолият юритаётган 1400 га яқин ходим ривожланган давлатларда малака ошириб қайтди.

Баркамол авлодни тарбиялашда таълим соҳасида олиб борилаётган эзгу ишларнинг аҳамияти беқиёс. Таълим-тарбия ишида шарқ ва ғарб халқлари тажрибасидаги энг илғор усуллар, маънавий ва моддий омилларнинг узвий бирлигини таъминлаш, таълимни замонавий андозалар даражасига кўтариш бош вазифа ҳисобланади.

Бу борада Юртбошимиз "Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб воя етиши учун зарур бўлган барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз", — дея таъкидлайдилар. Бу пурмаъно фикрлардан комил инсонни тарбиялашнинг давлат ва жамият равнақидаги роли, бу — давлат аҳамиятига молик масала экани, энг муҳими, бу борада давлат бош ислоҳотчи бўлиши нечоғли тўғри ва асослиги яққол кўриниб турибди.

Қаерда таълим, илм-фан, техника каби соҳалар ривожига эътибор берилса, ўша ерда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тез ва самарали ривожланади.

Шу боис мамлакатимизда таълим соҳасига сарфланаётган маблағлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Таълим учун давлат сарф-харажатлари 1997 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 7,9, 2009 йилда эса ўртача 14 фоизини ташкил этди.

Президентимиз ҳар доим таълим соҳасига маблағни аямаслик зарурлиги, сарфланган маблағлар бир неча йил ўтиб ўз самарасини беришини таъкидлаб келадилар.

Молия вазирлигининг ҳисоб-китоблари бўйича Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этишда давлат бюджетидан қўшимча сарф-харажатларнинг ҳажми ўтиш даврининг ўзидаёқ 65 миллиард сўмни ташкил этган.

Биргина "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағни, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағларини, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган.

Мухтасар қилиб айтганда, асосий мақсад — ёш авлод камолига эътибор. Баркамол авлод йилида ва ундан кейинги йилларда ҳам ҳар бир соҳада фаол иштирок этадиган мутахассислар сафини кенгайтириш ҳисобига мамлакатимизни тараққий топган давлатлар қаторига чиқаришдан иборат.

Дилдора ТУРҒУН қизи,
Тошкент иқтисодиёт коллежи "Иқтисодиёт ва халқаро бизнес" кафедраси мудири

Камолот ва гўзаллик беллашуви

(Бошланиши 1-бетда.)

— Бугун дилимдаги ҳаяжонларни сўз билан ифодалашим қийин. Андижонда бизни эҳтиром ва эъзоз билан кутиб олишди, — дейди Гулистон давлат университети жисмоний тарбия ва спорт факультети мураббийси Наргиза Юсупова. — Андижон давлат тиббиёт институти талабалар турар жойида республикамизнинг турли вилоятлардан келган 300 дан зиёд талаба қизлар билан бирга жойлашдик. Бу ерда ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар билан ҳар дақиқамиз мазмунли ва мароқли ўтди. Биринчи кундаёқ Ўзбекистон халқ шоирлари Иқбол Мирзо, Маҳмуд Тоиров, севимли шоирамиз Хуршидабону, ёш истеъдодли шоир Носиржон Жўраев каби таниқли ижодкорларнинг чиқишлари ва қўрғонтепалик санъаткорлар томонидан тайёрланган бадиий дастурлар бизда чуқур таассурот қолдирди. Бўш вақтимизни кутубхона ва компьютер хоналарида ўтказдик. Мен «Универсиада — 2010» спорт ўйинларига катта теннис бўйича шогирдларимни олиб келгандим. Яхши натижаларга эришдик. Буларнинг барчаси учун бизга қулай шароитлар яратиб бераётган Юртбошимиздан чексиз миннатдормиз.

Мусобақа иштирокчилари нафақат ўзаро куч синашдилар, балки ташкилотчилар томонидан уюштирилган махсус маданий-маърифий тадбирларда ҳам қатнашдилар. Таниқли шоир, ёзувчилар, спорт юлдузлари, эл суйган санъаткорлар билан учрашиб, турли шоуларни томоша қилишди. Умуман, «Универсиада — 2010» мусобақалари чинакам дўстлик, ёшлик ва гўзаллик байрамига айланди.

Якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида юқори натижаларга эришган Тошкент шаҳри терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Уларга энг юксак мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Универсиада — 2010» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси тақдим этилди. Иккинчи ўрин Андижон, учинчи ўрин эса Навоий вилояти талаба-спортчиларига насиб этди. Голиб жамоаларга Президент соврини — «Дамас» автомобиллари топширилди.

Беллашувларда алоҳида маҳорат кўрсатган спортчи ва мураббийлар турли номинациялар бўйича ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ўзига хос кичик олимпиадага қиёсланган мусобақаларнинг тантанали ёпилиши маросимида «Универсиада — 2010» спорт ўйинлари байроғи туширилгач, Андижон вилояти терма жамоаси универсиада эстафетасини Бухоро вилояти вакилларига топширди.

«Универсиада — 2010» мусобақаларининг тантанали ёпилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Адиба УМИРОВА,
«Hurriyat» мухбири

Замонавий уйларда ҳовли тўйлари

Давлатимиз раҳбарининг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида 2010 йилда Хоразм вилоятининг Боғот, Хива ва Хонқа туманларининг ҳар бирида йигирматадан замонавий турар жой бинолари бунёд этилиши режалаштирилган. Яқинда ана шу иморатлар фойдаланишга топширилди.

Ҳовли тўйларини ўтказган хонадон соҳиблари қатор қулайликларга эга бўлишганидан бениҳоя хурсандлар. Янги турар жой бинолари иқлим шароитимизга, миллий урф-одатлар ва асрий анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда бунёд этилгани билан уй эгаларига манзур бўлмоқда.

Яна беш юздан зиёд ана шундай янги иморат вилоятнинг 11 ҳудудида барпо этиш режалаштирилган.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Ёшлар камолотига эътибор

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 14-сон ихтисослашган олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар спорт мактабида таълим олаётган 990 нафар ўқувчи-ёшларга 27 нафар малакали мураббий спортнинг футбол, волейбол, кураш, белбоғли, юнон-рум кураши, бадиий гимнастика, шахмат-шашка ва Турон якка кураши бўйича машғулотлар олиб бориш жараёнида соҳа сир-асрорларини ўргатишмоқда.

— Туманимиздан етишиб чиққан чарм қўлқоп устаси, жаҳон чемпиони Аббос Атоев, Турон якка кураши бўйича Осиё чемпионлари Улуғбек Ҳакимов, Дилбар Ғаффорова, Гулнигор Камолова, Азизбек Муродов, Феруз Тўхтаевлар фахримиз, — дейди олий тоифали ҳакам, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Шаҳрилло Ашуров. — Жамоамиз бу ютуқлар билан чегараланиб қолмай, зафарларни кўпайтириш, чемпионлар сафини янада кенгайтириш орқали яна кўплаб мусобақаларда мамлакат байроғини баланд кўтариш йўлида бор имкониятларни ишга солади.

Вилоятда ёшларнинг маънан ва жисмонан баркамол бўлишлари учун яратилган шарт-шароитлар туфайли спорт билан шуғулланувчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

— 2003-2009 йилларда болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят филиали томонидан 12 та янги спорт мажмуаси, 34 та умумтаълим мактабининг спорт заллари қурилди, — дейди республика болалар спорти жамғармаси Бухоро вилояти филиали ижрочи директори Исмоил Мирзаев. — Бундан ташқари 1 та сузиш ҳавзаси капитал таъмирланди ва 11 та спорт иншооти реконструкция қилинди.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Муҳим анжуман

Нукус шаҳрида "Польша давлатининг Қорақалпоғистон Республикасида очиқ эшиклар куни" мавзусида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва Польша Республикасининг юртимиздаги элчихонаси, савдо-иқтисодиёт бўлими томонидан ташкил қилинган ушбу анжуманда тадбиркорлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва уюшмалар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда Польшанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчисининг маслаҳатчиси, савдо ва инвестицияга кўмаклашиш бўлими бошлиғи Славомир Стшалковский, бўлим котиби Яцек Михальский, Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи Х.Қайпназаров, республика савдо вазири Б.Гулимов, Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазири М.Ганиев ва бошқалар сўзга чиқишиб, ўзаро савдо-сотиқни, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён қилишди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Ҳуқуқий етуклик баркамолликка элтади

Самарқанд шаҳрида лицей, коллеж ўқувчилари иштирокида Баркамол авлод йилига бағишлаб "Ҳуқуқий етуклик баркамолликка элтади" мавзусида анжуман ўтказилди.

Тадбирда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси вакиллари, барча коллеж ва лицейларнинг ҳуқуқшунос ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар иштирок этишди.

Тарғибот гуруҳи аъзолари уларга "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг моҳияти, яқинда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига киритилган ўзгартишлар юзасидан ҳамда "Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси борасида тушунчалар бериб, ўқувчиларнинг бу борадаги саволларига атрофлича жавоб қайтаришди.

Тадбир сўнгида Адлия вазирлиги мутахассислари томонидан яратилган "Ҳуқуқ билимдонлари-2010" фильми намойиш этилди.

Камола МИРАМИНОВА

ФАОЛИЯТ

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ТАРАҚҚИЁТГА ЧОРЛАЙДИ

Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш жараёнига синчковлик билан назар ташланса, ўша жойдаги тараққиёт суръати фуқароларнинг маънавий камолоти даражаси билан боғлиқ эканига ишонч ҳосил қилинади. Тарихда барча мустамлакачилар, босқинчилар қўл остидаги ҳудудни, унинг халқини, аввало, маънавий қашшоқликда, манқуртлик ҳолатида сақлашга интилган. Биринчи навбатда уларнинг виждон эркинлигига, миллий удумлари, анъаналарига беписандлик билан қарашган ва бу омилларни йўқотишга ҳаракат қилинган.

Маънавият эътиқодга асосланган ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ҳамжиҳатлик, юксак одоб-ахлоқ, Ватан ва юртга садоқат сингари фазилатларни ўз ичига олади.

Маънавий баркамол инсон ўз эли олдида турган энг муҳим, энг долзарб вазифаларни чин юракдан тушунган ва ўзининг барча имкониятларини ана шу бурч ва вазифаларни сидқидилдан адо этишга сафарбар этган фуқародир.

Истиқлол йилларига назар ташласангиз, кўплаб маънавий баркамол инсонлар ўзларининг билим ва шуурларини мамлакатимизда моддий фаровонлик яратишга сафарбар этаётганига гувоҳ бўласиз. Аввало, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун турли инновацион янгиликлар амалиётга жорий қилинмоқда. Кейинги йилларда жамиятимизда қудратли кучга айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик халқнинг азалий анъаналарини рўёбга чиқариш билан боғлиқ ҳолда ривожланмоқда.

Биргина мисол: халқимизнинг жуда мукаммал амалий санъати кейинги йилларда микросармоялардан фойдаланиб, довруғини бутун оламга тарата бошлади. Микросармоялар сифатида бериладиган миллионларнинг фоизлари жуда паст этиб белгиланган. Тўғрисини айтганда, тадбиркорликка берилган бундай имтиёзни дунёнинг бирор мамлакатида топиш маҳол!

Таъкидлаш жоизки, халқимизнинг амалий санъати истиқлолга қадар фақатгина музейларда қолиб кетган, уларга "ўтмиш сарқити" тамғаси босилган эди. Бугун эса санъатимизнинг бу дурдоналаридан жаҳоннинг кўпгина халқлари завқ-шавқ олаётгани айни ҳақиқатдир.

Хивалик тадбиркор аёл Меҳрибон Маткаримова Хоразм гиламларини тўқийдиган цех очди. Машҳур гиламлар табиий ипак ва иплардан тайёрлана бошланди. Уларнинг бўёқлари анор, олма, ёнғоқ пўсти сингари табиий ашёлардан олинади. Шу жойнинг ўзида Хоразм кашталари ҳам тикилмоқда. Тадбиркор иплар сотиб олиш учун атиги 500 000 сўм микросармоя олди ва 50 га яқин ишчи ўрни яратди. Тадбиркор интернетда махсус сайт очиб, гиламларининг сифати тўғрисида батафсил маълумот киритди. Натижада Хивага келадиган сайёҳлар гиламларга илгаридан буюртма бериб қўядиган бўлдилар. Сайёҳлар гиламларнинг тайёрланиш жараёни билан танишишдан ташқари ҳар бир оилага асрлар мобайнида хизмат қиладиган гиламларни харид қилмоқдалар. Хоразм гиламлари дунёнинг турли бурчакларида хонадонларнинг энг ноёб безагига айланаяпти.

Гулнора Ембергенова кундалик фаолиятимизда зарур бўладиган рўмол, ҳамён ва турли ғилофлардан иборат 25 хил буюмни ўзбек ва қорақалпоқ нақшлари билан безади. Бу маҳсулотлар чет эллик сайёҳларнинг энг севимли совға буюмларига айланиб қолди.

Ҳозирда Риштон лаганлари, сопол қўғирчоқлари, пичоқлари, Бухоро зардўзлик буюмлари, Нурота кашталари, мармар лаганлари рўзғорларимизда ишлатилмоқда ва бутун дунёга тарқалмоқда.

Бугун маънавий баркамол инсон аввало мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталикнинг қадрига етади, фаровонлик яратишга ўз ҳиссасини қўшади. Ўзбекистон ёшлари бундан кейин ҳам барча соҳалардаги ихтиролари, рақобатга чидамли маҳсулотлари ва товарлари билан дунё саҳнига чиқаверади.

Зебинисо ОДИНАЕВА,
ЎзМУ магистранти

УЛКАН ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари Фарғона кўркига кўрк қўшмоқда

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида олиб борилаётган кенг кўламли яратувчилик ва ободончилик ишлари самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бораётир. Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг самараларидир.

Томчида қуёш акс этганидек, юртимизда рўй бераётган улкан янгиланишлар Фарғона вилояти мисолида ҳам намоён бўлмоқда. Вилоят ўзининг иқтисодий салоҳияти, ривожланган коммуникация тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалари, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади.

Фарғона сизни тобора яшнаб, яшариб бораётган ажиб шаҳар сифатида қарши олади. Замонавий супермаркетлар, чойхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тиббиёт масканлари барпо этилган. Ораста кўчалар, кўп қаватли турар-жойлар, замонавий савдо расталари, лицей ва коллежларнинг муҳташам бинолари, маданий-маърифий муассасалар шаҳар кўркига кўрк бағишлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари томонидан шаҳарни ҳар томонлама тараққий эттириш, янада обод қилиш, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, шаҳар вилоят салоҳиятига монанд тарзда ҳар жиҳатдан тўкис, ҳақиқий замонавий маъмурий марказга айланиши, аҳолининг яшаши, меҳнат қилиши, ҳордиқ чиқариши учун қулай бўлиши лозим. Президентимизнинг 2008 йил 5 майда қабул қилинган "Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилаётган ишлар айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Фарғона шаҳрининг бош режаси билан танишар экан, мазкур лойиҳани янада такомиллаштириш лозимлигини таъкидлади. Хусусан, шаҳар том маънодаги замонавий маъмурий марказга айланиши учун миллий меъморчилик ва замонавий шаҳарсозлик анъаналаридан уйғун ҳолда фойдаланиш, ландшафт дизайнига қатъий амал қилиш, бири иккинчисини такрорламайдиган, айни пайтда бир-бирини тўлдириб турадиган бинолар қуриш кераклигини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш жараёнида авваламбор, аҳоли учун қулай шароитларни яратиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди. Бу



омилга йўлларни кенгайтириш, боғ ва хиёбонлар яратиш, маданий-маиший объектлар барпо этиш, ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси тармоқлари ҳамда хизмат кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш жараёнларида алоҳида аҳамият қаратилиши керак. Бугунги кунда шаҳар улкан қурилиш майдонига айланган. Дастурга асосан ҳозирга қадар бу ерда 32 миллиард сўмликдан ортиқ ҳажмдаги қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бу жараёнда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали, вилоят перинатал маркази замонавий диагностик, хирургик ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Шаҳар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди. Ҳудудий қон қуйиш маркази учун бино ажратилиб, уни реконструкция қилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Яқинда қуриб битказилган Бахт уйи ҳам фарғоналикларга катта туҳфа бўлди. "Ёшлар хиёбони", Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали, Ю.Шакаржонов номидаги вилоят мусиқали драма театрининг тубдан янгиланган бинолари фойдаланишга топширилди.

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида ўтган йили Аҳмад Яссавий кўчасида битта 48 хонадонли, Алишер Навоий кўчасида учта 16 хонадонли турар-жой биноси қурилди. "Азот" очиқ акциядорлик жамияти томонидан эски ётоқхона 108 хонадонли турар-жой биносига айлантирилди. Айни кунларда Аҳмад Фарғоний кўчасида 2 та 48 хонадонли турар-жой бинолари барпо этилмоқда.

Фарғона аэропорти биноси реконструкция қилинди, унга халқаро аэропорт мақоми берилди. Шаҳарда муҳандислик тармоқларини янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу пайтга қадар 314 км. электр, 12,7 км. иссиқ сув ва иссиқлик энергияси тармоқлари, 69 трансформатор ва 24 иситиш қозонлари таъмирланди. Натижада аҳолига коммунал хизмати кўрсатиш, табиий газ, ичимлик суви етказиб бериш сезиларли даражада яхшиланди.

Қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолисига ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароитини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар Фарғонада ҳам ўз самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, вилоятнинг аксарият шаҳар ва туманларида намунавий лойиҳалар асосида, барча қулайликларга эга замонавий, кўркам уй-жойлар қад ростламоқда. Қурилиш ишларини тез ва сифатли амалга ошириш учун ташкил этилган "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки ва "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси томонидан аҳолига юқори даражада имтиёз ва қулайликлар тақдим этилаётир. Янги уй-жойларнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши қишлоқларни яхлит тизим асосида обод қилиш имконини бермоқда.



Эътиборлиси, бу уй-жойларни қуришда ҳудуднинг табиий-иқлим шароитидан тортиб, рельефигача, ижтимоий-демографик хусусиятларидан аҳолининг ҳаёт тарзигача ҳисобга олинмоқда. Ҳозирга қадар Фарғона туманидаги Миндонобод қишлоғида 20, Ўзбекистон туманидаги Ҳаётобод қишлоғида 20 та ана шундай намунавий лойиҳалар асосидаги турар-жойлар бунёд этилди.

Янги массивларда нафақат замонавий ва қулай уй-жойлар, айни вақтда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, хизмат кўрсатиш объектлари, кенг ва равон йўллар барпо этилмоқда.

— Қишлоқларда ҳам шундай замонавий уйлар қурилишини илгари фақат орзу қилар эдик, — дейди ҳаётободлик янги уй соҳибларидан бири Барҳаёт Тоштемиров. — Бугун мана шу орзуимиз рўёбини кўриб турибмиз. "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит бундай замонавий уйларга эга бўлиш учун катта имкониятдир. Мана шундай уйларда яшаш насиб этганидан бахтиёрмиз. Бунинг учун аввало Юртбошимиздан беҳад миннатдормиз.

Мазкур уйларда, айниқса, аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш учун барча қулайликлар кўзда тутилгани, болаларнинг дарс қилиши, дам олиши учун шароитлар назарда тутилгани барчага манзур бўлмоқда. Айни пайтда қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш борасидаги бу ноёб тажриба қурилиш материаллари излаш, олиб келиш, қурувчи топиш каби ташвишларини ҳал этишда юртдошларимизга катта қулайлик яратаётир.

Оддий мисол, иморат солган ҳар бир кишига аёнки, илгарилари қурилишга ёлланган қурувчиларни хонадон соҳиби бир кунда камида икки маҳал иссиқ овқат билан таъминлаши лозим эди. Бу ҳам анча-мунча харажат талаб қилар, хонадон соҳибаси ошхонадан чиқолмай қоларди. Эндиликда бундай ноқулайликларга ўрин қолмади.

Мамлакатимизда ижтимоий ва коммуникация инфратузилмасига эга бундай замонавий уй-жой бозорининг шаклланиши туфайли қурилиш материалларига талаб ҳам тобора ошмоқда. Жойларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналар ишга тушаётгани ушбу эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилаётир. Ҳозир юртимизнинг кўплаб ҳудудларида маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган замонавий қурилиш материалларининг сифати хориж маҳсулотидан асло қолишмайди. Тадбиркорларимизга яратилаётган қулай шароит ва берилаётган имтиёзлар бу борада кучли рағбатлантирувчи омил бўлаётир.

Вилоятда деворбоп, томёпқич материаллар, шунингдек, дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқарувчи бир қанча замонавий корхоналар ишлаб турибди. Ўтган йили еттита туманда йилига 300 мингдан 1 миллион донагача ғишт ишлаб чиқарадиган кичик заводлар қурилди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи бундай янги қувватларнинг ишга туширилиши ҳамда бу борада берилган солиқ ва божхона имтиёзлари натижасида ғишт, цемент, оҳак, тахта, темир маҳсулотлари нархи ошишининг олди олинмоқда.

Ўз навбатида замонавий, сифатли маҳаллий қурилиш материалларининг, хусусан, ғиштнинг сезиларли даражада кўпайиши қурилиш ишлари ҳажмининг ошиши ва нархининг янада арзонлашишига хизмат қилмоқда. Хусусан, Фарғона вилоятида жорий йилнинг дастлабки чорагида қурилиш ишлари 25,9 фоиз ўсгани бунинг далилидир. Айни пайтда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи янги корхоналарнинг ишга туширилиши қурилиш ишларини кенгайтириш, жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай минглаб янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг бандлик даражасини юксалтириш имконини бермоқда.

Аниқ мақсадли дастур асосида изчил давом этаётган бундай хайрли ишлар халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши, муносиб ҳаёт кечиришига хизмат қилади. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқларимиз қиёфасини яхшилаш, одамларнинг турмуш маданиятини юксалтириш мақсадида изчиллик билан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг амалий ифодасидир.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА махсус мухбири

Таҳририятга хатлар

ЯНА БИР ҚАДИМИЙ ҚЎЛЁЗМА

Яқинда Наманган вилояти ҳудудида Қуръони Каримнинг ҳаттотлар томонидан ёзилган яна бир қадимий қўлёзма нусхаси борлиги аниқланди.

Китоб охирида Қуръони Каримнинг қайси йилда ёзиб тугаллангани сақланиб қолган, лекин ҳаттотнинг исми-шарифи ёзилган жойлари йиртиб олинган. Китоб сўнгида қуйидаги маълумотларни ўқиш мумкин: "Бу китоб бандаларнинг энг заифи томонидан, жаннат ва инсонларнинг соҳиби бўлган улуғ ва мўътабар Яратганнинг қудрати билан ҳижрий 1291, милодий 1874 йилда кўчирилди". Яна шу саҳифада форс тилида шундай ёзувлар қайд этилади: "Ҳижрий 1329 (милодий 1911) йилда эдики, мен Мулла Ҳокимга ушбу Каломуллоҳ отам Муҳаммад Холдорбой марҳум ва укам Мулла Аъзамбой марҳумдан қолди". (Манбашунос олим А.Убайдуллоҳ маълумоти, "Қуръони Каримнинг энг катта ва энг кичик қўлёзма нусхаси", 2005 й).

Афсуски, ёзувларнинг қолган қисми йиртилиб, йўқолгани боис китоб яна кимларга тааллуқли экани номаълум. Ёзувларнинг бир қисмида қайд этилишича, ушбу қўлёзма Чустий ҳазратларининг хонақоси ва мозорига тегишлилиги таъкидланади ҳамда "Ҳазрати Мавлоно Хўжа Лутфуллоҳ ҳузурларида ўқувчилардан ва толиби илмлардан дуо умид этамиз", — дейилади.

426 варақдан иборат мазкур қўлёзма ҳажм жиҳатидан анча катта. Унинг умумий оғирлиги 21,5 килограмм. Ҳаттот китобни араб ёзувининг суж усулида ёзган.

Ҳажми, оғирлиги, қалинлиги ва кўп сонли варақларини ҳисобга олиб уни вилоятдаги энг катта китоб деса бўлади. Ҳурлик шарофати, олимларнинг саъй-ҳаракати билан қайта қадр топган маънавий нсъматни авайлаб-асраб келажак эгаларига етказиш лозим.

Улуғбек РЎЗИМАТОВ,
Наманган вилояти

ВАТАН СЎЗИДАГИ КЕМТИКЛИК

Дунёда муқаддас туйғулар анчагина. Уларнинг энг азиз ва мукаррами — Ватан туйғуси.

Ватан инсоннинг бошқа туйғулари асосида шаклланиб, бу туйғуларнинг умумий бирлигини ифодалайди. Ватанни севмаган одам онасини, оиласини, аждодларини, миллатини ҳам севмайди. Ўтмишда ҳам, бугун ҳам Ватан ҳақида турли фикрлар билдирилган.

Ҳар қандай нарса бир бутунликни ташкил этганидагина, муайян шакл ва мазмунга эга бўлади. Назаримда, Ватан сўзида нотўғаллик бордай. Бизга маълумки, инсон танаси тупроқдан яратилган. Инсон қаерда туғилса, унинг танаси ўша ер тупроғидан олинган бўлади. Шу ерда бир нарсани унутмаслик керакки, нафақат тана, балки танага руҳ, жон мана шу заминда, у туғилган жойда жо бўлади. Жон ва тан бир бутунлик ҳосил қилади. Шундай экан, нима учун ҳар бир инсон туғиладиган ерни фақат «Ватан», яъни танадан, шаклдан иборат деб биламиз. Ахир унда мазмун ва шакл бирлиги қаерда қолади? Мазмун шакл орқали намоён бўлади. Жон, руҳ инсоннинг асосидир. Демак, жон, руҳ, инсон туғилган заминнинг ҳам асоси бўлиши керак. Яъни жон ва тан уйғунлик ҳосил қилиши зарур.

Инсон туғилган замин «Ватан» эмас, балки «Жонватан» деб аталиши жоиз. Ана шундагина ҳар бир инсон туғилган жойини бутун қалби билан чин дилдан севиши, борлиғини юртисиз тасаввур қилолмаслиги мумкин бўлади.

Бобомурод СУЮНОВ,
ЎзМУ талабаси

НАФС БАЛОСИ

Руслан ўзи ҳайдайдиган автобус салонида хаёл суриб ўтирганди. Кутилмаганда бир нотаниш киши келиб, қўлидаги иккита пакетни Хоразмга элтиб беришини сўради.

— Ўзи унақа оғир юк эмас, кўриб турибсан. Урганчга борганингда сени кутиб олишади.

— Бунинг ичида нима бор?

— Дори...

— Қанақа дори? Ҳужжати борми?

— Ўпкангни бос, ука. Биламан қуруққа хизмат қилмайсан. 2 килограмм «героин» учун 500 та «кўк», 4 килограмм «опий» учун 400 минг сўм нақд бераман-а. Ўйлаб кўр...

Хизмат ҳақини эшитган Руслан Воисовнинг нафси талвасага тушди. Бераман деса «ол қулим», деб бераверар экан-да. «Хўп дея қол», ундади ичидаги шайтон ҳам.

— Р.. ро..з-зиман, — қилт этиб ютинди Руслан.

У шериклари билан «нон»ини «туя» қилишни хоҳламасди. Шунинг учун автобус салонида жойлашган «унитаз» ичига «қизил пакетдаги 2 килограмм героинни яширинча жойлаштирди. 4 килограмм опийни ўрта эшикнинг остига яширди.

Автобус Тошкентдан йўлга чиқди. «Тўхташ» ишорасини берган постдагиларга ёрдамчилардан бири қўл бериб, «қуюқроқ» саломлашиб ўтиб келаверишди. Автобус Бухоро ҳудудига кириши билан Русланнинг юраги ғашланди. Ромитандаги А.380 йўл бўйидаги таблога кўзи тушгач, баттар безовталанди.

Миллий хавфсизлик ва Божхона хизматларининг вилоят бошқармалари ходимлари томонидан назоратдан ўтказилган автобус салонида яширинча олиб кетилаётган гиёҳванд моддалар аниқланиб, қонуний ҳужжатлаштирилди. Р.Воисовнинг айбига иқрор бўлишдан бошқа чораси қолмади.

Нафс бандаси жиноятига яраша жазо олди. У суд ҳукми билан тўрт йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Иш бўйича жиноят қуроли ҳисобланган 64 миллион 750 минг сўмлик оғу ва автобус давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Руслан тергов жараёнида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган «нотаниш» кимсанинг таклифини рад этганда, нафснинг ҳоҳишига қараб эмас, ақл билан иш кўрганида оиласида, фарзандлари ёнида яшар, маҳалла-кўй олдида уятли бўлиб қолмасди.

Турсунбой ТАНГРИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди судьяси,
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

ДЕПАРТАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

ТАРТИБ БОР ЖОЙДА БАРАКА БОР

Департаментнинг Юнусобод тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширувда йўловчи ташиш билан шуғулланувчи "Bars avto servis" МЧЖ ҳайдовчилари йўловчиларга хизмат кўрсатиб, пул олишган-у, аммо чипта беришни унутишгани аниқланди.

Шунингдек, жамият томонидан берилган йўл варақаларида ҳайдовчиларнинг ишга чиқиш кунлари белгиланган бўлса-да, кун давомида неча марта қатнагани ёки неча километр йўл босгани кўрсатилмаган. Натижада автомобиллар томонидан сарф қилинган ёқилғининг аниқ ҳисобини олишнинг иложи бўлмади. Бундан ташқари жамият ҳисоб-китобнинг осон йўлидан бориб, ҳайдовчилар томонидан йўловчи ташиш хизматидан йиғилган нақд пул миқдори тўлиқ ҳисобланмасдан, бир кунлик режали тушум топширилгани аниқланган.

Энг асосийси, ҳайдовчилар топширган нақд пул жамият раҳбари томонидан қабул қилингач, банкка инкассация қилиниш ўрнига бошқа мақсадларда ишлатиб юборилган. Натижада 3 миллион сўмга яқин пул маблағи мақсадсиз сарфланиб, хизмат кўрсатиш қоидалари қўпол равишда бузилган.

2008 йилдан "Bars avto servis" МЧЖда ўртача 50 нафар ходим ишласа-да, Юнусобод тумани ДСИга тақдим этилган ҳисоботларда ягона солиқ тўловчи сифатида расмийлаштирилиб, 12.717.700 сўм миқдорида ягона солиқ тўлови тўланган. Аслида жамият 25 нафардан кўпроқ ходими бўлгани сабабли кичик корхоналар учун белгиланган солиқ тўловчи ҳисобланиши ва 33.545.200 сўм миқдорида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, шунингдек, 1.069.500 сўм миқдорда қўшимча мажбурий тўлов тўлаши лозим эди.

Судда корхона раҳбари Ж.Ҳакимов тўланмай қолган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашини айтса-да, жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, жаримага тортилди.

Хуршид АБДУРАҲИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бўлими катта инспектори

КИЧИК ХАТО ОРТИДАН...

Қонунни билмаслик оқибатида турли қонунбузилишларга йўл қўяётган одамларни тез-тез учратамиз.

Шундайлардан бири — Абдувоҳид Раззоқов Юнусобод тумани ҳокимлигида бетон маҳсулотлари ва қурилиш моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи сифатида рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор саналади. У 2005 йилдан пойтахтимизнинг турли жойларида шу соҳада фаолият юритиб келган.

2009 йилнинг февраль ойида рўйхатга олинган гувоҳномага кўра, Абдувоҳид Раззоқовга шлакоблок, лоток ва бошқа бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга рухсат берилган. Аммо амалдаги қонунчилигимизга биноан якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорга ишчи ёллаш ҳуқуқи берилмаган. Шундай бўлса-да, Абдувоҳид қурилиш моллари ишлаб чиқариш цехига учта ёрдамчи олди. Х.Расулов, Ш.Зарипов ҳамда Ф.Саидовлар бир неча йил давомида А.Раззоқов очган цехда ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирмасдан, ойига 150 мингдан 300 минг сўмгача маош олиб ишлаб келгани департаментнинг Юнусобод тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширувда аниқланди. Натижада жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғидан 7 миллион 74 минг 815 сўм маблағ давлат ғазнасига тўланмаган.

Суд мажлисида Абдувоҳид Раззоқов якка тадбиркор бўлгани учун ўзи ишлаши лозимлигини билган бўлса-да, қўл остидаги ишчилари маошидан даромад солиғи тўланиши лозимлигини билмаслигини айтди. Аммо бу иқрор уни жавобгарликдан озод қилмади.

Бобир МАМАДАЛИЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бўлими катта инспектори

МУЛОҲАЗА

Ёддан кўтарилаётган ҳуснихат

Таҳририятга талаба йигит мақола олиб келди. Компьютерда ёзилган хатга кўз ташладим. Дурустга ўхшайди. Талаба қайтаётиб, телефон рақамимни сўради. Айтдим. Чўнтагидан гугурт қутисидан сал каттароқ "сотка"сини олиб, "чиқ-чиқ" этиб бир зумда рақамларни "хотира"га жойлади.

Йигитча чиқиб кетгач, хаёлимга ғалати бир фикр келди: "Бугунги замонавий ёшлар, эҳтимол аксарияти, ручка ушлаб хат ёзишни эсдан чиқариб қўймаяптимикан?" Нега дейсизми? Ахир улар эртадан кечгача компьютерда ишлашса, бировга хат-хабар ёзишмаса, бунинг ўрнига SMS жўнатишса. Менга қолдирилган мақолага ҳам иссиқ қўл тегмаган, ҳатто имзоси йўқ. Шахсий имзонинг ҳам муҳр-штампга ўхшаган босма нусхаси аллақачон ўйлаб топилган бўлса... Умуман қалам-ручкага ҳожат қолмабди-да. Наҳотки, уларнинг ўрнини тугмачалар, клавишлар бутунлай эгалласа?... Йўғ-е! Худо сақласин!

Ёзув — инсоният тараққиётининг, маданиятининг дебочаси, дастлабки кашфиётидир. Илму маърифатнинг асоси ёзувдан бошланади. Бугунги халқлар юз йиллар мобайнида ўз ёзувларини такомиллаштириб келдилар. Хитой, япон ва корейс иероглифлари, араб, кирилл ва лотин ҳарфлари шу кунгача узоқ тарихий йўлларни босиб ўтди.

Қадимдан қўлида хати бор, саводхон кишилар эл ичида алоҳида ҳурматга эга бўлганлар. Ўқиш билан ёзишни биргаликда эгаллаш билимнинг ибтидоси ҳисобланади. Ҳозир талабчанлик қанчалик даражада эканини билмадиму, аввалари биринчи синф муаллими ҳар бир гўдакнинг ручка ушлаган қўлларини маҳкам тутиб ҳарфларни ёзишни ўргатарди. Бошланғич синфларда ҳуснихат дарслари ўтиларди. "Солиштириб кўрайлик, кимнинг хати чиройли?" мазмунидаги кўрик-танловлар ташкил этиларди. Кейинчалик диктант, баён, иншолар ёздириш баробарида ўқувчиларнинг ёзиш бўйича саводи оширилар эди.

Барчамиз биламизки, ҳар қандай олий ўқув юртига кириш учун она тили ва адабиёти фанидан иншо ёзиш мажбурий, кўп ҳолларда ҳал қилувчи имтиҳон ҳисобланарди. Иншодан "манаман" деган билимдонлар ҳам қўрқишар, чунки аксарият талабалар ёзуви сабабли "тўкиларди".

Эсимда, бир пайтлар ўзим ҳам университетга кириш учун дафтарнинг ўн олти саҳифасида иншо ёзгандим. Кейин шу ёзганларимни бошқатдан тўлдириб, кўчириб чиққанман. Энди-чи? Абитуриентларга бир жиҳатдан жуда қулай бўлиб қолди. Билими пухта бўлса, тест саволларини бирпасда белгилаб чиқаверади. Чаласавод ёшларнинг ҳам устоз олдида жавоб беролмай қизариб туришига ҳожат йўқ. Тестларни таваккалига ечиб ташлашаверади. Омади келиб қолса, талаба бўлиб кетаверади.

Албатта, ҳозир фантехника асри. Ўтирган жойингизда дунёнинг хоҳлаган жойидаги яқинингиз билан телефонда гаплашаверасиз. Қоғоз қоралаб, конвертга жойлаб, почта қутисига ташлаб келиш даҳмазаларидан қутулгансиз. Аммо...

Бир ҳамкасбим яқинда шундай деб қолди:

— Аёлим ҳарбий хизматдаги ўғлим билан ҳар ҳафта телефонда гаплашади. Бироқ аҳёнда бир хат келиб қолса, йиғлаб ўқийди, кўзларига суртади... Хатда сеҳр бор шекилли.

Хатда, ёзувда сир борлиги тўғри. Унда эгасининг бутун қиёфаси, қалбидаги тафти, феъл-атворининг шаклу шамойили, кўзларидаги меҳр яширинган бўлади.

Яқин-яқингача ҳарбий хизматдаги аскардан уйига хат келарди: "Ушбу саломим шамолдек елиб, етиб маълум бўлсинки, ўйнаб-кулиб юрган..." дея бошланувчи "соғинчлик салом"да мусофирликдаги йигитнинг дил достонлари баён этиларди. Қўни-қўшни, маҳалла-кўй, синфдошу, қариндошлар бирма-бир тилга олинади. Эсимизда, ўғил болалар мактабда ёзишдан қолоқ бўлса ўқитувчилар: "Бунақада армиядан уйингга қандай хат ёзасан?" — дея танбеҳ беришарди.

Таҳририятимизга кўплаб хат-хабарлар келади. Уларнинг аксарияти ўқитувчи-муаллимларнинг мақолалари. Баъзан чучмал ҳолга гувоҳ бўламиз: айрим мақолалар сўзларидаги ҳарфлар лотинча ва кириллча аралаш.

Уларга шу хусусида гапирадиган бўлсак:

— Лотин алибосига ўтганимиздан кейин кириллча ҳарфлар эсдан чиқибди, деган баҳонани эшитамиз.

Ўқитувчи шунчалик тез унутса, унинг таълимини олган ўқувчидан нимани кутиш мумкин? Ахир беш-олти тилни ва унинг ёзувини мукаммал эгаллаган инсонлар ҳам кўп-ку. Фақат бизда эътибор, диққат етишмайди.

Баъзан айрим телеканалларда бериладиган мусиқий дастурлар остидаги SMS матнларига кўзим тушиб қолади. Уларнинг айримларидаги мантиқсизлик, имло хатоларини кўриб, ғижиниб қўяман. Наҳотки, экранга SMS хабарларининг у ёқ, бу ёғини "текислаб" чиқаришнинг иложи йўқ бўлса, деган хаёлга бораман. Ахир уни юз минглаб, миллионлаб томошабинлар кўради. SMS эгасининг саводи ғовлагани-ку майли, телевидение ходимларининг ишидан кулмайдиларми?

Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романидаги Солиҳ Маҳдумнинг болаларга кўшилиб лой ўйнаётган қизи Раъногa:

— Қўлинг бўшаса, китоб ўқи, ҳуснихат ол... — дея танбеҳ бериши ўқувчига жуда ёқимли эшитилади.

Бизнинг XXI асрдаги ота-оналар ҳам фарзандларини худди Солиҳ Маҳдумдек тергаб турсалар, қани эди...

Рисликҳон МАЖНУНОВА,
"Наманган ҳақиқати" газетаси мухбири

ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг: "Биз иқтисодий ва ижтимоий соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз", деган сўзлари ўз вазифамизга масъулиятни янада оширди. Ҳақиқатан ҳам суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш айни кундаги долзарб вазифалардандир.

Ижро масъулияти

Суд департаменти фаолиятидаги туб ўзгаришлар ҳам олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижаси, десак, ўринли бўлади. Тизимимизда қонун устуворлигини таъминлаш, давлат ва халқ манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида Юртбошимиз мамлакатни тараққий эттириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш учун 2009 йилда барча куч ва имкониятлар сафарбар қилингани туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини сақлаб қолишга эришилганини таъкидлади.

Мамлакатимизда одил судловни амалга ошириш, ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳар жиҳатдан етук ва малакали кадрлар фаолияти билан боғлиқ.

Ҳозир вилоятда 36 нафар суд ижрочиси, 3 нафар суд ижрочиси мақомига эга бўлган инспектор фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд 11 та суд ижрочилари бўлими алоҳида хизмат хоналари, компьютер, хизмат машиналари билан таъминланди.

2010 йилнинг биринчи чораги давомида вилоятдаги суд ижрочилари томонидан, жами 145 минг 948 та ижро ҳужжатининг ижроси таъминланди. Фуқаролар ва юридик шахсларга 15 миллион 824 минг 100 сўм ундириб берилди. Шу жумладан давлат фойдасига 7 миллион 945 минг 900 сўм ундирилди.

Яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда 2010 йилнинг биринчи чорак якунлари ва келгуси вазифалар муҳокама қилинди. Йўл қўйилган хато-камчиликлар таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Ижтимоий адолатни доимий устувор тутиб, суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини ўз вақтида тўлиқ таъминлашда суд департаментининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ходимлари ишларни талаб даражасида ташкил қилишни долзарб вазифа сифатида белгилаб олдилар.

Исмоилжон СОТИБОЛДИЕВ,
Суд департаментининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи

НАШР

"Бир куни мухбирлар..."

Журналистлар ҳаёти қизиқ воқеаларга тўла. Зеро, биз журналистлар доимо ҳаётдан ортда қолмасликка интиламиз. Ҳамкасбимизни кўриб қолсак, кўзимиз қувнайди, гап ҳазилга бурилса, ичакузди ҳангомалардан сўз очамиз.

Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси ташкил топганидан бери бу ерда қанчадан-қанча ижодкорлар ишлаб кетмади, дейсиз. Уларнинг барчаси ўзига хос дунё, ўзига хос табиатга эга. Бугунги ходимларнинг иш фаолияти ҳам алоҳида ажралиб туради.

Яқинда "Тафаккур" нашриётида самарқандлик тележурналист Тошпўлат Тугаловнинг (Тошпўлат Урхун) "Бир куни мухбирлар..." китоби босмадан чиқди. Ундан журналистлар ҳаёти ва фаолиятида учраб турадиган ҳангома ва воқеалар ўрин олган.

Ижодкорларнинг табиати қизиқ. Баъзида катта-катта асарлар ёзган ижодкорлар ҳам ҳаётда жуда содда бўлишади. Улар алдашни билишмайдилар, мол-дунё, бойликка қизиқишмайди. Баъзан соддалигидан латифа қаҳрамонига айланишади.

Тошпўлат Тугаловнинг бу китобида катта бадиий мушоҳада, ўткир сатира йўқ. Шундай бўлса ҳам, бу ҳазил-мутойибалар журналистлар ҳаётига тааллуқли бўлгани, самимийлиги билан жуда қадрли. Зеро, самимий кулгу ижодкорларни ижодга ундайди, қалбини поклайди.

Ўлжабой ҚАРШИЕВ,
журналист

Davlat aksiyadorlik temir yo'l kompaniyasi
O'zbekiston temir yo'llari

Государственно-акционерная железнодорожная компания "Ўзбекистон темир йўллари" приглашает на двухмесячные курсы обучения на конкурсной основе "Проводник (стюард) пассажирского вагона" юношей и девушек приятной внешности до 25 лет, рост 165-175 см., имеющих высшее или средне-специальное образование, со стажем работы не менее одного года, с обязательным знанием узбекского, русского и английского языков, для работы в пассажирских вагонах высокоскоростных поездов "Афросиаб".

Для получения полной информации звонить по тел.: 299-68-91, 299-68-05 с 9 до 16 часов.

MIKROKREDITBANK

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

"МИКРОКРЕДИТБАНК" очиқ акциядорлик тижорат банки Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги филиалларида ишлаш учун банк мутахассисликлари бўйича магистр ва бакалавр илмий даражаларига, юқори савиядаги компьютер саводхонлигига эга бўлган, чет тилларини биладиган иқтидорли ёш мутахассислар

ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес:
Тошкент шаҳар, Лутфий кўчаси 14-уй.
Телефонлар: 150-56-22, 273-05-83

Эслатма: Тошкент шаҳрида ишлайдиганлар шаҳардаги яшаш жойларида доимий рўйхатдан ўтган бўлишлари керак.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

ТЕРРОРГА АЛОҚАДОРЛАР УШЛАНДИ

Покистон ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари Лахордаги икки мачитга ҳужум уюштиришга алоқадор етти кишини қамоққа олди. "The Times" тарқатган хабарда улар қандай ҳолатда қўлга тушгани айтилмаган.

Лахор полицияси вакилининг қайд этишича, ҳибсга олинганлардан бири ҳужумни "Толибон" гуруҳи вакиллари амалга оширганини, улар Шимолий Вазиристонда тайёргарликдан ўтганини айтган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, мачитга толибонларнинг Покистондаги қаноти вакиллари жорий йилнинг 28 май куни ҳужум уюштирган. Ўша пайтда мачитда 1500 нафар одам бўлган. Полиция ҳужум билан мачитни эгаллади. Тўқнашув пайтида бир неча жангари ҳаётдан кўз юмди, иккитаси эса яширинишга улгурди.

Ҳужум пайтида 70 нафар тинч аҳолининг ёстиғи қуриди, 108 киши тан жароҳати олди.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЮКИ ОРТИЛГАН КЕМАЛАРГА ҲУЖУМ

Исроил ҳарбийлари Газо секторига инсонпарварлик юки олиб келаётган олтита кемага ҳужум уюштирди. Тўқнашув пайтида кўплаб йўловчилар ҳалок бўлди. Туркия телевидениеси дастлаб икки киши ҳаётдан кўз юмгани ва 50 нафар йўловчи тан жароҳати олгани ҳақида хабар берган эди. Аммо кейинроқ 19 киши ҳалок бўлгани маълум қилинди.

Хабарларга қараганда, кемалар қирғоқдан 90 мил узоқликда, яъни халқаро ҳудудда бўлган. Шунга қарамай, Исроил ҳарбийлари уларга ҳужум уюштирган.

Бу можаро жаҳон жамоатчилиги томонидан турлича кутиб олинди. Кўплаб давлатлар вакиллари, жумладан, Европа Иттифоқи, Россия расмий доиралари Исроил аскарларининг инсонпарварлик юки ортилган кемаларга ҳужумини қоралади. Туркия ва бир неча араб давлатларида норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

Ўз навбатида БМТнинг хавфсизлик кенгаши инсонпарварлик ёрдамлари олиб кетаётган кемаларга қилинган ҳужумни қораловчи расмий баёнот қабул қилди ва Исроилни кемалар, ҳибсга олинган барча йўловчи ва экипаж аъзоларини озод қилишга чақирди.

ҲУКМ ИЖРО ЭТИЛДИ

Хитойда Сюй Юйюанга нисбатан чиқарилган ҳукм ижро этилди. Юйюан жорий йилнинг апрель ойида болалар боғчасига ҳужум қилган ва натижада 29 нафар бола ҳамда уч нафар тарбиячи жароҳатланган эди. РИА "Новости" хабарига қараганда, Тайчжоу шаҳар суди жиноятчини ўлим жазосига ҳукм этган. Юйюан бу ҳукмдан норози бўлиб, аппеляция судига мурожаат қилган. Аммо аппелация суди ҳам ҳукмни ўзгартирмади.

Ўтган йилнинг баҳорида ушбу мамлакатда болалар боғчалари ва мактабларга бир неча ҳужумлар содир этилди. Бу ҳужумлар оқибатида 17 киши ҳалок бўлди.

АҚШНИНГ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ДОКТРИНАСИ

АҚШ президенти Барак Обама мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашнинг янги доктринасини эълон қилди. Сиёсатчилар бу доктринани "Болтанинг ўрнига тиғ", деб таърифлашмоқда. Обаманинг таъкидлашича, энди Американинг душманлари — "Ал-Қоида", мамлакат ичидаги радикал кучлар, ядро қуролининг тарқалиши, иқтисодий инқироз ва табиатнинг ўзгаришидир.

Сиёсатчиларнинг қайд этишича, Обама ўзидан олдинги президент Буш бошлаб берган йўлдан юрмоқчи эмас. АҚШ бундан буён барча фронтларда кураш олиб бормайди. Эроннинг ядро дастури ва Афғонистонда толибларга қарши курашда Россия ва Хитой билан келишиб ҳаракат қилади.

Доктринада айтилишича, АҚШ фақат НАТО ва БМТнинг Хавфсизлик кенгаши қўллаб-қувватлагандагина ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Теҳрон ва Пхеньян ўзларининг ядро дастурларидан воз кечишса, уларга, албатта, сиёсий ва иқтисодий интеграцияга йўл очилади. 52 варақдан иборат бу ҳужжатда АҚШнинг яқин йиллардаги ташқи ва ички сиёсати йўллари белгилаб берилган.

ЯНА ИШ ТАШЛАШДИ

"British Airways" авиакомпаниясининг борт кузатувчилари яна беш кунлик иш ташлаш эълон қилишди. Улар иш шароитларининг яхшиланиши ва маошларининг оширилишини талаб қилишмоқда, деб хабар берди BBC. Ҳозир Буюк Британияда ўқувчиларнинг ҳафталик таътиллари бошланган. Айнан шу пайтда кўпгина ота-оналар фарзандлари билан саёҳатларга чиқишади. Шу боис, иш ташлашдан кўпроқ болалар жабр кўриши мумкин.

Борт кузатувчилари манфаатларини ҳимоя қилувчи Unite касаба уюшмаси вакили, агар авиакомпания жорий йилнинг март ойида бекор қилинган учишларни қайтадан тикласа, иш ташлаш тўхтатилишини айтиб ўтди. Уларнинг талаби қондирилмаса иш ташлаш 5 июнгача давом этади.

Жорий илнинг 24 май куни борт кузатувчилари ўтказган бир кунлик иш ташлаш оқибатида авиакомпания 40 фоиз рейсларни бекор қилишга мажбур бўлган эди.

ТОЛИБЛАР ҲУЖУМИ

Афғонистоннинг шарқида жойлашган Нуристон музофотининг Барге Матал уездини толибонлар босиб олди. Музофот полицияси бошлиғи Қосим Пайманнинг айтишича, толибонлар кўпчилик бўлиб ҳужум уюштиргани учун ҳукумат кучлари уездни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган. Қобулдан ваъда қилинган захира кучлар эса беш кунда ҳам етиб келмаган.

Шунингдек, Қосим Пайман полициячиларнинг уездга қайта ҳужум қилиш учун чекинганини ҳам айтиб ўтди.

Толибонлар вакили уездни қўлга олганини ҳам таъкидлади ва воқеани "толибонларнинг катта ғалабаси", деб таърифлади.

МУНОСАБАТЛАР КЕСКИНЛАШМОҚДА

Корея ярим оролидаги икки корейс давлати ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб бормоқда. Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати Жанубий Корея билан тузилган бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани бир томонлама бекор қилди.



Шунингдек, Жанубий Корея кемалари ва самолётларининг КХДР ҳаво, қуруқлик ва денгиз ҳудудидан ўтиши ҳам тақиқлаб қўйилди.

"Интерфакс" ахборот агентлиги хабарига қараганда, расмий Сеулнинг Жанубий Кореяга қарашли "Чхонан" кемаси КХДР сув ости ҳарбий фрегатидан отилган торпеда туфайли портлаб кетган, деган хулосасидан сўнг икки давлат ўртасидаги муносабатлар бирдан кескинлашди. Расмий Пхеньян бу айбни қатъиян рад этмоқда.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 26 март куни Сариқ денгизда Жанубий Кореянинг "Чхонан" кемаси портлаб кетган эди. Натижада 46 денгизчи ҳаётдан кўз юмган, 58 нафари қутқарилганди. Ҳалокат оқибатларини текширган Жанубий Корея ва халқаро экспертлар гуруҳи кема КХДР ҳарбий сув ости кемасидан отилган торпедадан портлаган деган хулосага келди.

ЯГОНА ВАЛЮТАГА ЎТИШ КЕЧИКТИРИЛДИ



Форс кўрфази мамлакатлари ягона валютага ўтишни кечиктириб туришга қарор қилди. Бунга Европа Иттифоқининг ягона валютаси — евронинг кун сайин қадрсизланиб бораётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Кўрфаздаги олти давлат — Баҳрайн, Қатар, Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Ўмон ва Саудия Арабистони 2010 йилнинг охирида ягона валютага ўтиш тўғрисида қарор қабул қилишганди. Аммо 2009 йилнинг бошида Ўмон, декабрида эса Бирлашган Араб Амирликлари бу ғоядан воз кечди.

Матбуот хабарларига қараганда, кўрфаз бўйидаги араб давлатларининг ягона валютага ўтиши 2015 йилгача кечиктирилиши мумкин.

ПЕНСИЯ ЁШИ ОШИРИЛАДИМИ?

Франция ҳукумати қарилик нафақасига чиқиш ёшини оширишни режалаштиряпти. The Financial Times газетасининг ёзишича, пенсия ёши неча ёш қилиб белгиланиши ҳозирча маълум эмас. Ижтимоий тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, мамлакат аҳолисининг учдан икки қисми пенсия ёши 62 ёш қилиб белгиланишига рози.

Ҳозир ҳукумат касаба уюшмалари ва иш берувчи федерациялар билан музокара олиб бормоқда. Ҳукумат шу йўл билан пенсия тизимидаги ва бюджетдаги камомадни қисқартирмоқчи. Жорий йилда Франция бюджетидаги камомад миқдори 32 миллиард еврони ташкил этиши кутиляпти. Тахминларга қараганда, бу кўрсаткич 2020 йилда 45 миллиард, 2050 йилда эса 100 миллиард еврони ташкил этиши мумкин.

Ҳукуматнинг бу қарори касаба уюшмаларини ташвишга солмоқда. Мамлакатдаги бешта касаба уюшмасининг тўрттаси пенсия ёши бўйича бошланган ислоҳотга рози эмаслигини билдирган. Шу боис улар бугун пенсия ёшининг қайта кўриб чиқилишига қарши умуммиллий иш ташлаш ўтказишмоқчи.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» банки (ОАЖ)

Сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:

1. **"ФАЙЗЛИ"**
Сақланиш муддати **3 ЙИЛ**
омонат бўйича йиллик **14%** ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар ҳар олти ойда ёки омонат ёпилган (3 йил)дан сўнг берилади.

2. **"ЯХШИ НИЯТ"**
Сақланиш муддати **3 ОЙ**
омонат бўйича йиллик **24%** ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат ёпилган (3 ой)дан сўнг берилади.

3. **"ЯХШИ НИЯТ-1"**
Сақланиш муддати **6 ОЙ**
омонат бўйича йиллик **24%** ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилган (6 ой)дан сўнг берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:

"ЦЕЛЕВОЙ" *АҚШ долларида.*
Сақланиш муддати **5 ЙИЛ**
омонат бўйича йиллик **7%** ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилган (5 йил)дан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун:
«Асака» банки (ОАЖ)
филиаллари
телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланиши кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

ЁШЛАР ҲАЁТИ

Оила нафақат инсон наслини давом эттириш омили, балки жамият аъзоларини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий урф-одатлар, анъаналар, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш мактаби сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Шаҳримизда оила мустаҳкамлигини таъминлашда Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳияти аҳоли ўртасида доим тушунтириб борилмоқда.

Оилалар мустаҳкамлиги йўлида

Гулистон шаҳри Фуқаролик ҳолатлари далолатномасини ёзиш бўлими қошида 2009 йилдан бошлаб ёш оила қурувчилар мактаби фаолият юритиб келмоқда. Бу ерда олиб бориладиган машғулотларнинг бир йиллик режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра коллеж ва лицейлар ўқувчилари, Гулистон давлат университети талабалари, шунингдек, турмуш қуришга ариза беришга келган келин-куёвлар билан репродуктив саломатлик ва тиббий кўрикнинг аҳамияти тўғрисида мунтазам ўқув машғулотлари ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида ёшлар билан қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдинги тиббий кўрик, гиёҳванд моддаларнинг туғилажак болаларга салбий таъсири, она ва фарзанд, эрта никоҳнинг зарарли оқибатлари ва репродуктив саломатлик мавзуларида жонли мулоқотлар ўтказилди. Ушбу машғулотларда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ маълумотлар олишди.

Ушбу суҳбатлар самимий, дўстона тарзда олиб борилишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки кўпчилик иштирокчилар шундай шароитда ўзларини ўйлантираётган муаммолар ҳақида бемалол ўртоқлашиб, фикр алмашишлари тажрибамиздан маълум. Қолаверса, улар муаммо ечимини топиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Худди шу мавзуларда Гулистон шаҳри маҳаллаларида 16 маротаба учрашув ўтказилиб, уларда нафақат ёшлар, балки ота-оналар ҳам иштирок этишди.

Кейинги пайтда ёшларнинг келажагига, ширин турмушига хавф солаётган турли хил таҳдидлар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Гиёҳвандлик, ОИТС, турли жинсий касалликлар ана шулар жумласига киради. Шу боисдан ҳам ёш оила қурувчилар мактабидаги машғулотларга шифокорлар доимий равишда таклиф этилиб, йигит-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, никоҳ ва ҳуқуқ каби мавзуларда суҳбатлар ўтказишмоқда. Шундан бўлса керак, оила қуришга қарор қилган ёшларнинг нафақат ўзлари, балки ота-оналари ҳам уларнинг тиббий кўрикдан ўтишларига жиддий аҳамият бераётганликлари қувонарли ҳолдир. Айнан шу эътибор жамиятимиз пойдеворида ожиз бўғинлар пайдо бўлишининг олдини олади. Гулистон шаҳрида йилнинг биринчи чорагида 400 та никоҳ қайд этилди, 800 нафар йигит-қиз тиббий кўрикдан ўтди. Шу рақамларнинг ўзи ҳам шаҳримизда тиббий кўрикка нисбатан ижобий муносабат шаклланганидан дарак бериб турибди.

Дилфуза РИСБОЕВА,
Гулистон шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси

НУҚТАИ НАЗАР

"Мен"ми ёки "Ман"?

Талабаларнинг дарсга қатнашини кузатиш учун машғулот аввалида уларнинг давомати текширилади. Ўқитувчи талабаларнинг исми-шарифини ўқиганида, баъзилар "мен", деб жавоб қайтарса,. талабаларнинг аксарияти "ман", деб жавоб беради.

Айни шу масала юзасидан бўлиб ўтган мунозарада, айрим талабалар "ман" сўзи оила, мактаб, лицей ва коллежларда, шунингдек, домлалар нутқида, оммавий ахборот воситаларида ҳам қўлланилаётганини айтишди. Мен адабий тил меъёрлари ҳақида ҳар қанча тушунтирмайин, уларда мавжуд ҳаётий кўникма таъсири кучли экани маълум бўлди.

Кузатувларимиз шуни кўрсатадики, айримлар "*мен*" ва "*ман*"ни қўллашда масаланинг моҳиятини чуқур тушуниб етмайдилар. Бу борада "шунга ҳам ота гўри қозихонами", "осмон узилиб ерга тушармиди" қабилида ўйловчилар ҳам кам эмас. Шу боис кейинги пайтда "ман"га тўлиқ эркинлик берилганга ўхшайди. Чунончи, радио ва телевидениедаги чиқишларда "ман"ни қўллаш кўпайди. Бу сўз телесериаллар ва бадиий фильмларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Мана, бир мисол. Яқинда "Чол ва набира" фильми намойиш этилди. Асарнинг ғояси яхши, айниқса, актёрлар жуда яхши танланган. Лекин фильмда бошдан оёқ "ман" сўзи ишлатилган. Буни қандай тушуниш мумкин? Ахир, бадиий фильмлар умумхалқ мулки, миллат бойлиги эмасми? Бинобарин, улар адабий тил меъёрларига жавоб бериши лозим.

Очиғини айтганда, маза-матрасиз "қўшиқ"ларнинг марказида ҳам шу сўзни учратамиз: *Ман, ман, ман – Манзура...*

> *Озодбек Назарбеков куйлаган **"Ман, ман"** қўшиғи ҳам кишини ўйлантириб қўяди: "Ман, ман, севиб қолдим ман". Қўшиқларига ўта талабчанлик билан ёндашадиган севимли хонанда, умид қиламанки, тилимиз меъёрларига ҳам жиддий эътибор қаратади.*

Назаримда, ушбу қўшиқдаги шеърнинг саёзлиги, хонанданинг адабий тилимиз меъёрларидан хабарсизлиги, радио-телевидение мусиқа муҳаррирларининг эътиборсизлиги ёки билимсизлигидан далолатдир.

Ёки таниқли хонанда Озодбек Назарбеков куйлаган "*Ман, ман*" қўшиғи ҳам кишини ўйлантириб қўяди: *"Ман, ман, севиб қолдим ман"*. Қўшиқларига ўта талабчанлик билан ёндашадиган севимли хонанда, умид қиламанки, тилимиз меъёрларига ҳам жиддий эътибор қаратади.

Шунингдек, телевидение орқали кўрсаётилаётган реклама матнларида, уяли телефонларнинг мусиқаларида ҳам ушбу сўз нотўғри қўлланмоқда.

Шу ўринда Алишер Навоийнинг қуйидаги байтини келтириш жоиздир:

Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглим писанд этмас.

Кўринадики, ўзбек адабий тилининг асосчиси бу сўзни "мен" деб қўллаган, "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ҳам у "мен" шаклида берилган экан, биз ҳам она тилимизнинг адабий меъёрларига қатъий амал қилишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

"Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг 7-моддасида қайд этилганидек, "Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади". Бу ёруғ оламда Ватан битта бўлганидек, адабий тил ва унинг меъёрлари ҳам ягона. Шундай экан, барчамиз миллий бирликни сақлаб турувчи асосий восита – адабий тили меъёрларига амал қилишимиз шарт.

Равшан ЖОМОНОВ,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти кафедра мудири, филология фанлари номзоди, доцент

МУЛОҲАЗА

Кашандалик — иллат

Талабаман. Машғулотлардан чиқарканман, турфа одамларга дуч келаман. Яқинда бир йигитнинг чекаётгани эътиборимни тортди. Тўғри, чекаётган йигитларни ҳар қадамда учратиш мумкин, аммо ажабланганим унинг ёнидаги қизнинг ҳам чекаётгани-ю, бунга йигитнинг бепарволиги эди. Узоқдан уларни кузатиб келавердим: ўзбек қизи! Лекин негадир бунга ишонгим келмади. Мени ҳайрон қолдирган томони шундаки, бўлғуси оила бекаси одамларнинг кўз ўнгида чекиб ўтирарди! Қадимдан шарқ аёллари ўзларининг одоби билан бутун дунёни лол қолдирган. Назаримда, бугун бу меъёрлар бир четга сурилиб қолаётгандек.

Одамзоднинг табиати қизиқ, ҳамма нарсани билгиси келади. Тамаки чекишга ҳам одамдаги қизиқувчанлик ундайди. Назаримда, чекадиган ота-оналар ҳам фарзандларига кашандаликка йўлланма беради.

Маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатлардаги олий ўқув юртларининг юқори курсда ўқийдиган талаба йигитларидан 90 фоизи, қизларнинг 60 фоизи тамаки чекар экан. 17 ёшли қизларнинг 76 фоизи оилада оталарига тақлид қилиб чекишини билдиришган. Москва шаҳрида яшовчи 700 нафар ўқувчининг анкетаси ўрганилганда, улардан 43,2 фоизининг чекиши маълум бўлди. Яна 19 фоиз ўсмир қизларнинг оиласида ҳам ота, ҳам онаси кашанда ҳисобланар экан.

Фурқат Бахромов, нарколог-психотерапевт:

— Халқимизда шундай мақол бор: "Қуш инида кўрганини қилади". Одатда, ота-онаси чекадиган болалар кашандаликка мойилроқ бўлади. Чунки улар ота-онасидаги хатти-ҳаракатни ўзида моделлаштиради, яъни қиз бола онасига, ўғил бола отасига ўхшашга уринади. Ҳаётда шундай оилалар борки, уларда ота-онанинг фарзанд тарбияси учун вақти йўқ. Эътиборсиз қолган фарзандлар эса атрофдагилар билан муносабат ўрнатишга уринади. Айниқса, қизлар кўчада бирон аёлнинг сигарет чекаётганини кўрса, уни замонавий аёл сифатида ўзида идеаллаштирмоқчи бўладилар ва унга тақлид қила бошлайди.

Ҳар бир қиз — бўлажак она. Албатта, у турмушга чиқади ва маълум вақт ўтгандан кейин она бўлади. Бироқ вужудни емирган тамаки бу даврда ўз таъсирини кўрсатади. Организмда мавжуд нуқсон ривожланаётган ҳомиланинг саломатлигини таъминлай олмайди. Шу сабабли ҳам ёш қизларга ва аёлларга чекиш мутлақо тавсия этилмайди.

Тамаки истеъмол қилиниши натижасида ўпкада бўшлиқ пайдо бўлади. У вақт ўтган сари кичрайиб ҳаво сиғимини камайтиради. Организм учун керак бўлган кислород етарли даражада тушмайди. Бу қондаги кислород етишмовчилигига олиб келади. Кислороднинг сурункали равишда етишмаслиги организмнинг барча аъзоларига ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Тўқима ва ҳужайралар эса кислородга тўйина олмайди. Бунинг оқибатида ҳар хил хасталиклар келиб чиқади. Тутуннинг таркибидаги беш мингдан ортиқ заҳарли модда сурункали равишда организмни емириб боради.

Олимларнинг фикрича, тамакининг заҳри нафақат чекувчига, балки унинг атрофидагиларга ҳам катта зарар етказади.

Муяссар Аҳмадова, психолог:

— Ҳозирги глобаллашув даврида замонавийлашиш тимсолидаги айрим тушунчалар маълум бир томондан миллийлигимизга зид келмоқда деб ўйлайман.

Эркак кишининг ҳам, аёл кишининг ҳам чекишга муносабати одатда қизиқиш, бошқаларнинг таклифи билан келиб чиқади. Баъзи ҳолларда ғам-ташвишдан, тушкунликдан чиқиш учун чекишади.

Шифокорларнинг чекиш, ичишнинг инсон саломатлигига зарари ҳақида фикрлари бир хил. Маълумотларга қараганда, дунё бўйича тахминан 500 минг кишининг ўлими кашандалик орқали юз берар экан. 30 фоиз одамлар рак касаллигига тамаки (сигарет) истеъмол қилгани учун дучор бўларкан. Демак, шифокорларга қулоқ тутсак, ҳаётнинг гўзаллигини англаймиз!

Гулнисо САЙДАЛИЕВА,
талаба

ЗАМОНДОШ

ҚАЛБИ ҮЙҒОҚ УСТОЗ

Ўзинг яхши биладиган, астойдил ихлос қўйган одам ҳақида ёзиш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, эътирофга лойиқ қандай фазилати бор дея бош қотириб ўтирмайсан. Қийинлиги — дилдаги ҳурмат-эҳтиромни кўнгилдагидек изҳор эта олиш масъулияти юк бўлиб елкадан босиб туради. Агар у инсон серқирра истеъдод соҳиби бўлса, масъулият ҳисси янада залворли туюлади.



Мен адабиётимиз ва маънавиятимиз фидойиси, Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти совриндори Маҳкам Маҳмудовни назарда тутмоқдаман. Бу ном маърифатли китобхонларга яхши таниш.

Маҳкам ака Бобур юрти — Андижонда, зиёли оилада туғилган. Онаси Ширмонхон ая Маҳмудова аёллар даврасида Навоий, Фузулий, Машраб ғазалларини, Яссавий ҳикматларини ўқиш билан бирга ўзи ҳам ғазаллар ёзар эди. Она зийрак ўғлининг кўнглида адабиётга, нафосатга жуда эрта меҳр уйғотди. Андижонга гастролга келган ҳозирги Ўзбек академик драма театрининг етакчи актёрлари ижросида "Отелло", "Ҳамлет", "Гулсара", "Нурхон" спектакллари қўйилганда, томошабинларга билет етишмас, шунда Маҳкам ака ҳам бошқа тенгдошлари қатори ташқаридаги дарахтларнинг бақувват шохларида ўтириб, театр томоша қиларди. Адабиётга муҳаббат уни Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетига бошлаб келади. Дорилфунунда Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Фозила Сулаймонова, Очил Тоғаев, Анвар Шомақсудов, Алибек Рустамов, Шавкат Раҳматуллаев, Абдулла Аюпов каби атоқли олимлардан сабоқ олди. Жаҳон адабиёти классиклари ва бошқа адибларнинг асарларини чуқур ўрганди. Кейинчалик у Тошкент театр ва рассомлик институтида, Тошкент маданият институтида чет эл адабиёти фанидан дарс берди.

Бу даргоҳга Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор каби машҳур адиблар келиб туришарди. Адабиёт дарғалари билан учрашувлар талабалар учун чинакам байрам эди.

Маҳкам ака университетни битиргач, ўз даври учун энг нуфузли ҳисобланган таҳририятлар — ҳозирги "Ўзбекистон овози" газетасида, "Гулистон" журналида, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида таниқли ижодкорлар билан елкадош бўлиб хизмат қилди. Қайноқ, жўшқин адабий муҳитда обдон тобланди. Айниқса, замонасининг таниқли адиби Асқад Мухтордан олган сабоқларини бир умр унутмайди, ўзи ҳам устознинг ишончини оқлади. Маҳкам акани Асқад аканинг ўзи журналнинг масъул котиблигига тавсия этган, ижодини муттасил кузатиб, рағбатлантириб, янги-янги асарлар ёзишга даъват этиб борган. "Гулистон" журнали ўз даврида жуда машҳур бўлган, унда асари босилишини ҳар бир ижодкор шараф деб билган. Таҳририят чиғириғидан ўтган асарлар катта адабиётга йўл олган. Ижодкорларнинг сараси жамланган шундай нуфузли таҳририятда кечган йиллар Маҳкам аканинг дунёқарашида катта бурилиш ясади.

Хоҳ ижодда, хоҳ ўзаро гурунг, баҳс-мунозаларда бўлсин, ҳамиша ҳақиқатни тик айтиш, масалага янгича ёндашиб, теша тегмаган муаммоларни кўтариб чиқиш Маҳкам ака эътиқодида устувор бўлиб қолди. У киши тўғрисўзлиги боис панд еган пайтлари ҳам кўп бўлган.

Маълумки, ўтмишда алломалар, ижодкорлар бир ёки икки соҳа билан чекланиб қолишмаган. Ҳозирги мураккаб замонда эса ўша пайтдаги битта фаннинг ўзи бир қанча тармоқларга бўлиниб кетган. Шу боис эндиликда наср таҳлили билан шуғулланган мунаққиднинг шеъриятни яхши тушунмаслигидан, замонавий адабиёт мутахассисининг мумтоз адабиётга "тиши" ўтмаслигидан ажабланмаймиз. Аммо ҳаётда истисно ҳолатлар ҳам учраб туради. Маҳкам Маҳмудовнинг серқирра фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Ижодини шеърият, кичик мақола, тақризлардан бошлаган Маҳкам ака адабиёт назарияси билан ҳам жиддий шуғулланди ва бу соҳада йирик тадқиқотларини эълон қилди. "Абадият лаҳзалари", "Талант ва ижод фалсафаси", "Ҳайрат ва тафаккур", "Аҳли дил" каби китоблари ўз вақтида адабий жамоатчиликнинг эътибори ва эътирофига сазовор бўлди.

Маҳкам Маҳмуд ўз ўтмишдошлари изидан бориб, бир қанча қиссалар, ҳикоялар, фантастик, тарихий асарлар ёзди. "Мангу куй излаб", "Мен — мен эмасман" китобларини эълон қилди. Бу асарлар танқидчилар тилига тушди.

Маҳкам Маҳмуд моҳир таржимон ҳамдир. Жаҳон адабиётини мукаммал билгани ижоднинг бу қийин, масъулиятли соҳасида омадли қалам юритиш имконини берди. Таржима унинг ижодий фаолиятида салмоқли ўрин тута бошлади. Она тилимизга ўгирган асарлари рўйхатининг ўзи бир неча саҳифани ташкил этади. Мақоламиз қаҳрамонининг ўзбек тилига таржималари гарчи восита тил орқали амалга оширилган бўлса-да, таржима экани сезилмайди. Бундай натижага юксак маҳорат ва масъулият бўлсагина эришиш мумкин.

Мутаржим буюк араб шоири Жуброн Халил Жуброннинг жаҳон адабиёти дурдоналари қаторидан ўрин олган асарларини ўзгача бир меҳр, ихлос билан ўзбек тилига ўгирган.

Маҳкам Маҳмуд сўнгги йилларда пок динимизни ниқоб қилганларга қарши курашиш ва ислом маърифатини тарғиб қилиш борасида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Унинг саъй-ҳаракати билан Абу Ҳанифа (Имом Аъзам)нинг "Фиқҳ-ал-акбар", "Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг Маърифат мактаби" каби асарларидан муштарийлар баҳраманд бўлдилар. Имом Ғаззолийнинг "Кимёи саодат" асарини ҳаммуаллифликда нашрга тайёрлади. Ушбу нашр сўзбошисида Ғаззолий мероси ва дунёқарашини жуда содда тилда шундай шарҳлайди: "Ғаззолий "Кимёи саодат" асарида дил ажойиботларини кашф этади, агар инсон руҳий олами турли ижтимоий иллатларнинг гард-ғуборларидан тозаланса, фаришталар оламига яқинлашади ва агар инсон Ҳақ таоло маърифатини билса, ўз нафсини — ўзлигини таниса, дили арши аълодан келган меҳмон эканини билади. Бу дунёда дилни турли ҳою-ҳаваслар билан, ҳирс ва ебичишга ружу қўйиш билан ифлослантирса, ҳайвонот оламига, ундан баттари — дев ва шайтонлар оламига яқинлашади, деб тушунтирди."

Маҳкам ака ижодида тарих мавзуси алоҳида ўрин тутади. У тарихга бежиз мурожаат этмайди. Тарих ҳақиқатининг ибратли жиҳатлари, айрим чалкаш, мунозарали масалаларига аниқлик киритиш эҳтиёжи унга тинчлик бермайди.

"Султон Маҳмуд ва Фирдавсий" мақоласида бу икки тарихий шахс ўртасидаги муносабат кўпгина манбаларда нотўғри ёритилиб келинаётганини холис кўрсатади. Ҳукмдор билан шоир ўртасида ғаниблик, адоват бўлмагани уқтирилади. "Артур Шопенгауэр" мақоласида немис файласуфининг айрим қарашлари шарқ фалсафасига жуда яқинлиги билан аҳамиятли эканига эътибор қаратади. "Ҳомер олами" деган салмоқли мақола олимнинг бошқа илмий асарлари каби қамровининг кенглиги, мулоҳазаларнинг теранлиги билан диққатга сазовордир.

Мени олим фаолиятидаги бошқа бир жиҳат кўпроқ ҳайратлантириб келади: инсон вақт исканжасига тушиб қолган, ҳаммага ҳамиша вақт етишмаётган тезкор замонда бунчалар салмоқли ишларга қандоқ улгурди экан? Гоҳо ёзган нарсаларини ўқиб улгурмай қолардик. Шу ўринда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа эсимга тушади. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари Маҳкам ака билан шифохонада бирга даволанган эдик. Устоз ўшанда Бальзакнинг "Сағри тери тилсими" романини таржима қила бошлаганди. Муолажаларга навбатда турганимизда қўлидаги соатга қараб: "Яна ўн дақиқа вақтим бор экан, палатамга кириб, таржимани давом эттириб келай", — дея хонасига жўнаб қолганди. Бир дақиқа ҳам вақтини бекор ўтказмасди. Ўша асар таржимасини даволаниш баробарида ниҳоясига етказди. Донолардан бири "Маданият вақтни тежашдан бошланади" деган экан. Маҳкам ака бу борада ҳам кўпларга ибратдир.

Адабиётимизда устоз-шогирдлик анъанаси кўп асрлик тарихга эга. Маҳкам ака Лазиз Азиззода, Шорасул Зуннун, Мирзакалон Исмоилий, Абдураҳмон Алимуҳамедов, Ортиқ Қаюмов, Бўрибой Аҳмедов, Азиз Қаюмов, Асқад Мухтор, Иброҳим Раҳим, Алибек Рустамов, Ҳамид Ғулом, Миркарим Осим, Қодир Мирмуҳамедов, Ҳайдарбек Бобобеков каби ўзи ихлос қўйган табаррук сиймоларни устоз сифатида эъзозлаб, иззат-ҳурматини жойига қўйиб келмоқда.

Айрим асарларини эҳтирос ила устозларига бағишлаган. Масалан, талабчан устоз Мирзакалон Исмоилий узоқ курортдан Маҳкам акага мактуб йўллаб, ҳикояларини кескин танқид қилади. Аввалига тўғри гапни ҳазм қилиш осон бўлмайди. Дўппини олиб қўйиб мулоҳаза қилгач, Маҳкам ака устознинг ҳақ эканини тушунади. Ўша мактуб ўз ижодида туб ўзгариш ясаганига кейинчалик иқрор бўлади.

Меҳр кўрган одам меҳр кўргазишга ҳам мойил бўлади. Устоз ўзи ҳам жуда кўп ёшларга устозлик қилди. Кўнгли очиқ, бағрикенг устоз ҳалиҳамон қўлидан келганча одамларга яхшиликни соғиниб яшайди.

Маҳкам Маҳмудов тиниб-тинчимайдиган, ҳамиша улкан режалар билан яшайдиган ижодкордир. Устоз "Арасту поэтикаси ва шарқ арастучилари" мавзуидаги докторлик ишини тугаллаб, ушбу диссертация асосида катта монография тайёрламоқда. Шунингдек, Форобийнинг 30 босма тобоқлик танланган асарларини, Беруний нинг "Осорул воқеа" ("Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар"), Ибн Синонинг фалсафий асарлар тўпламини нашрга тайёрламоқда.

Мухтасар айтганда, устознинг ақл чироғидан таралаётган маърифат зиёси ўзлигини топишни истаганларни мудом комиллик сари чорлаб тураверади.

Шодмон ОТАБЕК

МУШОҲАДА

Узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қилувчи транспорт воситаларининг ҳаётимизга чуқур кириб келганига анча бўлди. Кўчаларимиздаги автомобиллар қатновининг кўплиги ҳайдовчидан ниҳоятда катта эътиборни талаб қилади. Ахир у нафақат автоуловнинг, балки, ўз ҳаётининг, шу билан бирга, ўзи билан бирга кетаётганларнинг, атрофидагиларнинг ҳаётига масъул-да.

Ҳайдовчи масъулияти

Йўлларимизда машиналарнинг кўпайгани йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини ҳам оширмоқда. Кўчаларда содир бўладиган автоҳалокатларни кўрганимизда бахтсиз ҳодисага учраган инсонга ичимиз ачийди.

Бугун, кўпроқ тўхталмоқчи бўлганимиз — енгил машиналар рулида нафақат эркаклар, балки аёлларнинг ҳам ўтиргани оддий ҳолга айланди. Шу ўринда бир савол туғилади: автоҳалокатлар кўпроқ аёл ҳайдовчилар томонидан содир этиляптими ёки эркак ҳайдовчилар томониданми? Мазкур автоҳалокатларнинг рўй бериш сабаблари нималарга боғлиқ?

Ушбу саволлар билан кичик сўров ўтказганимизда, қатнашчиларнинг 65 фоизи бунда аёл ҳайдовчиларнинг масъулиятсизлигини, 35 фоизи эса аксинча аёллар эркакларга нисбатан машинани эътибор билан ҳайдашини, кўпроқ эркак ҳайдовчиларнинг айби билан йўл-транспорт ҳодисалари юзага келаётганини айтишди.

Статистик маълумотларга кўра, эркак ҳайдовчилар билан боғлиқ автоҳалокатларнинг сабаби 90 фоиз ҳолларда спиртли ичимликлар ичганлари боис ҳушёрликни йўқотган пайтларида содир этилар экан. Аёл ҳайдовчилар билан боғлиқ ҳалокатлар сабабини эса турлича баҳолаш мумкин. Буни ўрганиш учун биз бир неча ҳайдовчига мурожаат қилдик.

Дилноза Худойбердиева, ҳайдовчи:

— Автоҳалокатлар кўпинча аёл ҳайдовчилар томонидан содир этилади. Чунки аёллар эркакларга қараганда кўпроқ ҳиссиётга берилувчан бўлади. Доим турли ўйҳаёл билан юришади. Уларда машина бошқараётганда ҳаётидаги муаммоларни бир четга суриб туриш ҳоллари камдан-кам учрайди. Рулни бошқараётиб ҳам болалари нима қилаётганини, қайнонаси билан муносабатларини ёки бошқа нарсаларни ўйлашни тарк этолмайди. Аёлнинг ҳиссиётлари унинг автомобилни бошқаришига ҳам таъсир қилади. Нимадандир хафа бўлса ёки жаҳли чиқса, хаёлан қизил чироқда ўтиб кетиши ёки нотўғри қувиб ўтиш каби қоидабузарликларни содир этиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай ҳолларда эса автоҳалокат содир бўлмайди, деб ҳеч ким кафолат бермайди.

Хуршид Маматқулов, ҳайдовчи:

— Йўл-транспорт ҳодисалари кўпроқ аёлларнинг эътиборсизлиги туфайли содир этилади. Шахсан ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб берсам: бир куни чорраҳанинг қизил чироғида тўхтаб турганимда, бир аёл ҳайдовчи машинамнинг ёнгинасига келиб тўхтади ва бирдан лаб бўёғини олди-да, машина ойнасига қараб суришни бошлаб қолди. Бу орада светофорнинг яшил чироғи ёниб, орқадан тинимсиз сигналлар чалина кетди. Аёл бўлса, «иши»ни охиригача якунлаб, кейин машинасини ҳаракатлантирди.

Файзулла Жумаев, ҳайдовчи:

— Автоҳалокат содир этилишида аёллар ёки эркаклар эмас, 3-6 ойлик курсларда ўқимай ҳайдовчилик гувоҳномасини олаётганларни кўпроқ айблаш тўғри бўлади. Агар ўша одам белгиланган давр ичида ўқув-амалий машғулотларга қатнашиб, гувоҳномасини ҳалоллаб олса, йўлдаги кўнгилсизликлар камида 80-90 фоизга камаяр эди. Чунки 3 ойда ҳам кўп нарсани ўрганиб олиш мумкин. Тўғри, аёллар учун ҳар бир машғулотни ўтказиб юбормаслик мушкул иш. Оила-рўзғор ташвишларини рўкач қилиб, дарсларга бир-икки қатнашиб, гувоҳномани олиб кетадиганлари қанча. Менимча, инсонлар ўртасида аёл ҳайдовчиларга ишончсизликнинг кўпайгани ҳам шундан. Яна бир катта муаммо, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш пайтида юзага келади. Белгиланган синовлардан ўта олмаган одам бир-икки марта ҳаракат қилиб кўради-да, «имтиҳон» топширишга кўзи етмагач, дарҳол бошқа "йўллар"га ўтади. Шу пайтда мутахассислар томонидан йўл қўйилган бепарволик натижаси не-не фалокатларни бошлаб келиши мумкин.

Саида Йўлдошбекова, ҳайдовчи:

— 22 йиллик ҳайдовчилик тажрибамдан келиб чиқиб, шуни айтишим мумкинки, аёл ҳайдовчиларга нисбатан ишончсизликнинг ошиши асосан 2 фактга асосланади. Биринчиси, кўпчилик аёлларимиз фақат автомобиль ҳайдашнигина билишади, холос. Тасодифан машина бузилиб қолгудек бўлса, кимдандир мадад кутишади. Техник таъмирлашни эса уддалай олишмайди. Иккинчиси, рулга ўтирганда аёлларга хос қўрқувни бир четга суриб қўйиш кераклигини билишмайди. Тўғри, аёл барибир аёл, лекин рулга ўтирдими, кези келганда қаттиққўллик, қўрқмаслик, уддабуронликни ҳам қўллай олиши керак.

Яна бир гап. Бугунги кунда йўл-транспорт ҳодисаларини аёл ёки эркак ҳайдовчилардан кўра балоғатга етмаган, ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган ёш болаларнинг содир этиши кўп учрамоқда. Аёлларимиз ўз фарзандларини тўғри назорат қилиб турса, тажрибасиз ёшлар автомобилни сўроқсиз олиб кетиб, турли кўнгилсизликларга сабабчи бўлиб қолишмасмиди?

Гувоҳи бўлганимиздек фикрлар хилма-хил. Биргина "автомобилни бошқариш" ибораси ортида инсоннинг саломатлиги, ҳаёти масаласи турибди. Шундай экан, унинг масъулияти ҳам катта. Автомобиль ҳайдашнинг ҳам завқи бор албатта. Фақат йўл ҳаракати одоби деган тушунчанинг мағзини чақиб олгач, рулга ўтирилса бўлгани. Сиз нима дейсиз?

Камола АЛИБЕКОВА, ЎзДЖТУ талабаси

ЭССЕ

ОҒРИҚ

Бу ривоятни отам айтиб бергандилар: "Қадим-қадим замонда баланд тоғдаги кулбада эру хотин бир-бирини жуда ардоқлаб умргузаронлик қилишар экан. Аммо аёл тўсатдан оғир дардга йўлиқиб, вафот этибди. Олам кўзларига қоронғу бўлиб кетган эркак изтиробга тушибди. У йиғлай-йиғлай Аллоҳдан ўз умридан ўн йил олиб, рафиқасига беришини ўтиниб сўрабди. Унинг илтижолари ижобат бўлиб, аёл кўзини очибди"...

Ривоятнинг давоми ҳам бор, аммо айнан шу қисми бир умрга хотирамга муҳрланиб қолди. Кўп ўтмай отам вафот этдилар. Мен сўрадим, Эгамдан ёлвориб сўрадим. Ҳар кун, ҳар он илтижо қилдим: "Ё Оллоҳим, менинг умримдан олиб, отамга бергин. Уни қайтар, Художон!". Аммо тақдир ҳукми — ўзгармас!

Орадан йиллар ўтди. Укам билан бирга отамиз қабрини зиёрат қилишга отландик. Ҳар биримиз ўз хаёлларимиз оғушида секин-секин одимлаб борарканмиз, укам умидсизлик тўла кўзларини менга тикиб, пичирлади: "Опа, дадам айтиб берган ривоят эсингиздами? Мен уни рост деб ўйлагандим. Ёлғон экан"...

***

Дугонамнинг отаси қўнғироқ қилди. Билишимча, у талаба қизининг ёзги таътили бошланиши билан уйга келишини истаяпти. Дугонамнинг эса қишлоққа қайтишга иштиёқи йўқ. У баъзи сабабларга кўра ўзи ўқиётган олий ўқув юртида кечроқ таътил берилишини айтиб, зўр бериб дадасини ишонтиришга уринарди. Отаси ишонди чоғи, дугонам хурсанд бўлиб гўшакни жойига қўйди.

Мен унга норози қиёфада тикилдим.

— Ҳа, дугона, биламан, ёлғон гапириб нотўғри қилдим. Аммо дадамга бўлажак куёви билан кинога тушмоқчилигимни қандай айтардим?! — деди у ўзини оқлаб.

Унга нималардир демоқчи бўлдим-у, барибир, у мени тушунмайди ёки ишонмайди, дея фикримдан қайтдим...

***

Ўшанда қорли кун эди. Мактабдан қайтарканман, совуқ зарбидан қўлларим музлаб, дарвозамиздан ичкариладим. Молларимиздан хабар олаётган отам тўнини ечиб, мени унга ўраб олдилар-да, даст кўтариб, иссиққина уйимизга олиб кирдилар. Иситгич ёнида тўнга ўраниб ўтирарканман, отамнинг билимли одам хор бўлмаслиги ҳақидаги сўзларини жимгина тинглайман...

Кеча ишдан қайтаётиб, йўлда чопон кийган амакини учратдим. У менга жуда яқин кишидай эди. Балки у эмас, қора духоба чопон менга яқиндир...

***

Ҳайит арафаси. Эрта тонгда хўроз "бонг урмай" туриб уйғондик-да, онам иккимиз дарвозадан чиқиб кетаётганимизда, ортимиздан кенжа укам чопқиллаб келди: "Мен ҳам бораман!"

Қишлоқдан анча олисдаги қабристон томон пиёда одимладик. Етиб келгач, фотиҳа ўқиб, ортимизга қайтмоқчи бўлиб турсак, укам этагимдан туртиб ийманиб сўради: "Опа, дадамга бир гапим бор. Айтсам, эшитадиларми?" Тасдиқ жавобини олгач, укам сирини айта бошлади: "Дада, сиз ҳали билмайсиз-а? Кеча Якшанбаойнинг(сигиримизнинг лақаби) кўзи ёриди. Боласи қоп-қора, кичкина, бирам чиройлики... Унга нима деб исм қўямиз, дада?"

Укамнинг гапларини тинглаб турган онам дам йиғлар, дам кулардилар...

***

Бир танишимиз бор. У аслида ёмон одам эмас. Фақат бироз омадсиз. Омадсизлигини енгишни, ҳаётда ўз ўрнини топишни билмай қийналади. Аламини эса фақат ароқдан олади. Ҳа, бу ёмон одат. Аммо энг ёмон иши уни маҳаллада ҳурматсиз қилди. Бир куни у сархуш пайтида насиҳат қилаётган отасини ножоиз сўзлар билан ҳақоратлаб, калтаклабди...

***

Эрта тонгда кўзгуга қараб, кайфиятни кўтариш фойдали, дейишади. Мен ҳам ойнага қарарканман, нохос титраб кетдим. И-е, отамку! Менинг кўзларимда отамнинг нигоҳи жойлашганга ўхшайди. Худди отамнинг қарашлари-я?!. Ҳа, мен отамни ўзимда қайта топдим. Укаларим ҳам улғайгани сари тобора отамга ўхшаб кетишяпти! Бежиз онам: "Отангиз сизнинг тимсолингизда яшаяптилар", — дея бот-бот такрорламас эканлар-да.

Оллоҳ ўтганларнинг охиратини обод қилсин!

Ситора ШАМСИДДИН қизи

КЎҲИНУР АФСОНАСИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Аслида халқ етакчилари билан халқ орасидаги муносабатдаги орият миллий ғурурни ифодалайдиган асосий воситадир. Бутун сюжет мана шу воқеага асосланади. Бундан келиб чиқадики, "Алпомиш" достони орият асосига қурилган асар. Қолаверса, асардаги бир неча ўнлаб ҳолатларда, жумладан, Бойсарининг Чамбилбелга кетиб қолиши, Алпомиш Барчиннинг орқасидан бориши, Барчин Алпомишни ҳамма қатори мусобақада иштирок этишини талаб қилиши, Алпомиш зиндонда ётганида Қоражонни қутқаришга рози бўлмаслиги, ҳатто Ёдгор онасининг тўйига қарши чиқишида ҳам орият бош мавзуга айланади.

ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ВА МИЛЛИЙ ОРИЯТ

Миллатнинг мана шундай бой маънавий қадриятларида ориятнинг бош мавзу бўлиб қуйланиши халқимиз орасида алпомишсифат тарихий шахсларнинг дунёга келишига, камол топишига сабаб бўлган. Энг қизиғи, уларнинг тақдири ҳам худди Алпомишнинг тақдирига ўхшашдир. Бунга афсонавий Широқ ва Спитаменни, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ва унинг зурриёдларини, жасур Жалолиддин Мангубердини, жасоратли Темур Маликни келтириш мумкин.

ҲУМОЮН ХОТИРАЛАРИ

Бугунги кунда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи нафақат юртимизда, балки бутун дунёда ҳурмат билан тилга олинади. Аммо биз унинг тўнғич ўғли шаҳзода Ҳумоюн Мирзонинг ориятига берилган юксак баҳо ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Маълумки, Бобур ҳинд тупроғига илк қадам қўйган пайтида Ҳиндистонда ҳокимият парокандаликка юз тутган эди. Хусусан, Гвалиор вилоятида рожа Бикрамадитя ҳокимлик қилаётган эди (у Шамсободда Иброҳим Лоди билан бўлган жангда вафот этади). Панипатдаги ғалабадан сўнг Ҳумоюн бошлиқ қўшин Деҳлидан ўтиб кетмакет қасрларни ишғол қилиб боради. Ўша қасрларнинг бирида рожа Бикрамадитянинг хотини, бўй етган икки қизи ва бир ўғли яшарди.

Рожанинг 20 ёшлардаги ўғли Ҳумоюнни илиқ қарши олади. Отасининг қотилини ўлдиргани учун миннатдорчилик билдиради. Ҳумоюн ҳам унга ва унинг оиласига илиқ муомалада бўлади. Ўша кеча Вайс исмли бир бекни элликтача йигити билан рожанинг қасрида қолдириб, ўзи қасрнинг ҳовлисидаги боққа чодир тиктириб, ўша ерда тунайди. Кечаси қасрда қўққисдан тўполон кўтарилади. Ҳумоюн тезда қўриқчилари билан қасрга кирса, Вайснинг йигитларидан бири ички эшик олдида қонга беланиб ўлиб ётибди. Иккинчи қаватнинг зинапоясида турган ўн саккиз ёшли гўзал қиз чува-

либ ётган ипак сарисини титроқ қўллари билан олиб, яланг елкасига ёпишга уринаяпти.

Маълум бўлишича, Вайс рожанинг шу қизини ёқтириб қолиб, навкарлари ёрдамида уни ўз хонасига олиб келмоқчи бўлган. Қизнинг акаси қаршилик кўрсатиб, бир навкарни ўлдирган. Энди бунинг қасдига навкарлар ёш рожанинг ўзини ўлдирмоқчи бўлиб турганида, Ҳумоюн кириб келади. Рожани озод қилиб, Вайсни ҳибсга олдиради. Қолганларга ҳам муносиб жазо белгилайди. Шунда зинапоядан ёш рожанинг онаси қўлида кичгина садаф қутича билан тушиб келади. У олий табақанинг ўқимишли аёлларидан эди. У Ҳумоюнга юзланиб:

— Шаҳзода, менинг бисотимдаги энг катта бойлигим мана шу қутичанинг ичида. Мен учун фарзандларим дунёнинг ҳамма бойликларидан азизроқ. Сиз ўғлимнинг жонини қайтариб бердингиз. Мана бу қутичадаги улуғ олмосни сизга атайман, дея қутичани Ҳумоюнга беради. Бу унинг орияти учун берилган юксак баҳо эди.

АФСОНА

Кўҳинур олмоси ҳақида кўплаб афсоналар юради. Қадимшунос Санскрит бундан 5000 йил олдин Кўҳинур (Сямантака) топилгани ҳақида ёзиб қолдирган. Бир нечта ҳинд мифларида ҳам, Маъбуд Кришна Кўҳинурни Жамабавантадан олгани айтилади. Ривоятга кўра, Кришна олмосни Сатражитнинг укаси Сатражизни ўлдириб олганликда айбланади (аслида у ов пайтида шер ҳамласидан ўлади). Ваҳоланки, олмосни Жамабаванта олган бўлади. Ўзини оқлаш мақсадида Кришна Жамабаванта билан жанг қилади. Кришна Жамабавантанинг қўшинини тормор қилиб, олмосни Сатражитга қайтаради. Сатражит уялганидан Кришнага қизи билан бирга Кўҳинурни ҳам таклиф қилади. Аммо Кришна унинг қизи Сатябҳамани қабул қилиб, олмосни эса рад этади.

ТАРИХИЙ МАНБА

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Кўҳинур Какатия қироллигининг (Ҳиндистон) Гунтур вилоятида дунёдаги энг қадимий олмос конларидан бирида топилган. Бу кон 1730 йили бразилияликлар томонидан қайта кашф этилмагунча фақат мана шу олмос учун ҳам эсланар эди. Илмий манбаларда "Голсонда" номи билан тилга олинадиган ушбу кон олмослари ўзининг софлиги, шаффофлиги ва тиниқлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Улар жуда ноёб ва камёбдир.

Мазкур олмос дастлаб Какатия қироллигининг мулки ҳисобланган. Килжи династиясига мансуб бўлган бу олмосни Гиёсиддин Туғлиқ Шоҳ кейинчалик ўз ҳоқони Улуғ хонга юборади. Шу тариқа барча олтин, марварид, фил суяклари билан бирга Кўҳинур ҳам империя мулкига айланади. Кейинчалик бу олмос 1526 йилдан бошлаб то Британия босқинигача империя соҳиби Бобур ва унинг авлодлари ихтиёрига ўтади.

Кўҳинур биринчи марта 1526 йили "Бобурнома"да эсланади. Унда ёзилишича, олмос 1294 йили номаълум Малва рожасига тегишли бўлган. Бобур мазкур олмоснинг қиймати "Тамоми оламнинг икки ярим кунлик сарфига баробар" эканини айтади.

БОБУРИЙЛАР ОЛМОСИ

Бобур ва унинг фарзанди Ҳумоюн ўз хотираларида Кўҳинурни "Бобурийлар олмоси" деб эслашади. Ўша пайтда олмос Гвалиор вилоятини бошқараётган рожаларга тегишли бўлади. Бобур қўшинига қарши шафқатсиз жанг олиб борган Деҳли султони Искандар Лоди тор-мор этилгач, унинг барча мулклари Бобурга ўтади. Шундан сўнг Ҳумоюн қўшини билан Деҳлидан ўтиб, кетма-кет қасрларни ишғол қилиб бориб, олмосни рожа Бикрамадитянинг хотинидан юксак эътироф ила қабул қилиб олади. Олмос Ҳумоюннинг вафотидан сўнг оз вақт унинг бош вазири Жалолхон тасарруфида бўлади. Ҳумоюннинг ўғли буюк саркарда Акбар умри давомида олмосга бирон марта ҳам қўли теккизмайди. Кейинчалик афсонавий тош Шоҳжаҳон ихтиёрига ўтади.

Маълумки, Шоҳжаҳон машҳур Тож Маҳални қурдиради. Кейинчалик, унинг ўғли Аврангзеб уни Лоҳурдаги Бадшоши масжидига жойлаштиради. Олмос у ерда Нодиршоҳ даврига ча (1739 йили) сақланади.

Ўз даврида Нодиршоҳ Кўҳинурни "Агар бир одам бешта тош олиб бирини шарққа, бирини ғарбга, бирини шимолга, бирини жанубга ва бешинчисини осмонга отиб, тошлар етган манзил оралиғини олтин, марваридлар билан тўлдирса, Кўҳинур қийматига тенг бойлик бўлади" деган эди.

1747 йилда Нодиршоҳга уюштирилган суиқасддан сўнг олмос Афғонистонга, Аҳмад шоҳ Абдалий ихтиёрига ўтади. 1830 йили Шоҳ Ҳўжа Афғонистонни босиб олганидан сўнг тош яна Лоҳурга, кейинчалик эса Панжобга Махаража Ранжит ихтиёрига ўтади.

ОЛМОСНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Панжобда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Ранжит Синг 1839 йили оламдан ўтади. 1849 йилнинг 29 мартида Лоҳурда Британия байроғи кўтарилади. Бу Панжоб ҳам ўз-ўзидан Британия қарамлигига ўтди, дегани эди.



Маҳаражанинг бошқа бойликлари қаторида Кўҳинур ҳам Британия ихтиёрига ўтади. Бу ишга бош-қош бўлган Лорд Далхаус Кўҳинурни қироличага катта мамнуният билан совға қилади.

Лорд Далхаус ўз эсдаликларида шундай ёзган эди: "Мен олмосни қироличадан хабар келгунича плашимнинг чўнтагида сақладим. Ниҳоят, қироличадан олмосни Британияга олиб бориш тўғрисида мактуб келганидан сўнг чўнтагимни қарасам, олмос йўқ эди. Шунда бир муддат қотиб қолдим ва мункиллаб қолган хизматкор чолни чақириб, ундан чўнтагимдаги нарсаларни сўрадим. У "Ҳа мен олгандим. Хонангиздаги қутининг ичида" — деди бамайлихотир.

— Тезда олиб кел-чи,-дедим ҳаяжон билан. У кичкина қутичани келтирди-да ичидан олмосни олиб менга узатди ва "Шунга шунчаликми, бу оддий шиша-ю, хўжайин" — деди.

ОЛМОСНИНГ ЛОНДОНГА САЁҲАТИ

Лорд Далхаус 1850 йилда Маҳаражанинг 13 ёшли ўғли Дулип Синг Кўҳинурни ўз қўли билан қиролича Викторияга топшириши учун Британияга сафар уюштиради. Унга Ғарбий Бельгияда ҳизмат қилган Доктор Жон Спенсе Логин ҳамроҳлик қилади. Ўша пайтда Логин олмосни 1 000 000 фунтга баҳолайди.Ниҳоят 1850 йил 3 июль куни Кўҳинур тантанали равишда қиролича Викторияга топширилади. Бу хизматлари учун Логин 1854 йили қироллик рицари унвонига лойиқ топилади.

Маълумки, қадимий битикларда Кўҳинур хусусида "Кимки бу олмосга эгалик қилса, дунёга ҳукмрон бўлади. Аммо у фақат худо ёки аёлга тегишли бўлиши мумкин" дейилади. Олмос Британияга келтирилганидан бери қироллики фақат аёл жинсига мансуб (қиролича)лар бошқариб келмоқда.

ЯНГИЧА ЖИЛО ВА ЖОЗИБА

1852 йили Амстердамда шаҳзода Альбертнинг техник хизматчиси Жеймис Теннант томонидан олмосга ишлов берилади. Ишлов бериш жараёнида 186 карат бўлган олмос 105 каратгача кичраяди. Бир пайтлар дунёдаги энг катта ҳисобланган Кўҳинур шундан сўнг катталикда ўз қийматини йўқотади.

Қиролича Викториядан сўнг қиролича Александра олмосни янги тожга ўрнатди. Шундан бошлаб, олмос қиролича тожини безаб келмоқда. 2002 йили Она қиролича вафотидан сўнг олмос тож билан бирга "Tover of London қасрига ўтказилди.

КЎҲИНУРГА ТААЛЛУҚЛИ ДАЪВОЛАР

Кўҳинурга оид даъволар ҳамон тўхтагани йўқ.1976 йили Покистон Бош вазири Зулфиқор Али Бхутто Британия Бош вазири Жим Саллагандан олмосни Покистонга қайтаришни сўраган эди. 1997 йили эса қиролича Элизабета II Покистон ва Ҳиндистон мустақиллигининг 50 йиллиги муносабати билан ташриф буюради. Шунда бир нечта маҳаллий зодагонлар Кўҳинурни Ҳиндистонга қайтаришни талаб қилиб чиқишди. 2000 йили ноябрда эса Афғонистонда ўз режимини ўрнатишга ҳаракат қилаётган Толибон гуруҳи ҳам Британия ҳукумати Кўҳинурни Афғонистонга қайтариши керак, деган қатъий талабни қўйди. Эрон матбуоти эса олмоснинг ҳақиқий эгаси Эрон ҳукумати деган даъво билан чиқишлар қилиб туради.

Аслида унинг ҳақиқий эгаси ким? Бу ўринда Олаф Кароининг "Таймс" газетасидаги фикрларини эслатамиз: "У 203 йил Деҳлида, 66 йил Кандаҳор ва Кобулда, 127 йил Британияда бўлди (Бу мақола ёзилган пайт. Ҳозир эса 160 йил бўлди). Кўҳинурнинг ҳақиқий эгалари туркий қавмга мансуб Ҳиндистон ҳукмдорлари эди, — дея ёзади Олаф Карои ўз мақоласида. Албатта, ҳозирги замонда олмосга очиқча даъво билан чиқиш бемаънилик бўлар, аммо турли соҳаларда таҳсил олаётган бугунги ёшларимиз ўз илми, одоби ва миллий орияти билан Кўҳинурга даъво қила олади деб ўйлаймиз. Келажакда дунё жамоатчилиги ўзбек ўғлонлари илми, одоби ва инсоний ориятига холисона баҳо бериб, Кўҳинурни айнан бизга муносиб кўрса, ажабмас!

Бунёд АБДУЛЛАЕВ

СПОРТ

Кумуш медаль муборак!

Тошкентда мини-футбол бўйича ўтказилган XI Осиё чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси кумуш медални қўлга киритди.

2001 йили Эрон мезбонлик қилган Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган мамлакатимиз мини-футбол усталари 2006 йили Тошкентда ўтказилган қитъа чемпионатида аввалги натижани такрорлашди.

Бу галги мусобақанинг гуруҳ баҳсларида Ливанни 3:1, Индонезияни 4:2 ва Хитой Тайпейини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз чорак финалда австралияликлар устидан 5:3, ярим финалда эса Хитой терма жамоаси устидан 4:3 ҳисобида ғалаба қозонгани сизга маълум. Мини-футболчиларимиз финалда Эрон терма жамоасига имкониятни бой бердилар.

Гус Хиддинк РФИни судга бермоқчи



Голландиялик тренер Гус Хиддинк билан Россия терма жамоаси ўртасида тузилган шартноманинг муддати 2010 йилнинг июль ойида тугаши мўлжалланган эди. Лекин шунга қарамай Хиддинк Туркия терма жамоаси билан иш бошлаб юборди. Турклар унинг раҳбарлигида ҳатто бир қатор ўйинларни ўтказишга ҳам улгуришди.

— Хиддинк Туркия терма жамоасида иш бошлаганини рад этмоқчи эмасман, — дейди тренернинг агенти Кис ван Ньювенхейзен. — Унга январь ойидан бери маош тўлашгани йўқ. Шунга қарамай тренер ўзининг вазифаларини бажариб келаётган эди. У февраль ойида Варшавага қуръа ташлаш маросимига бориб келди. Март ойида Россия терма жамоаси унинг раҳбарлигида Венгрия билан ўртоқлик учрашувчини ўтказди. Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни Россия Футбол Иттифоқи бажармаса, Хиддинк нима учун шартномага риоя қилиши керак? Агар РФИ 2010 йил 15 июлга қадар Гус Хиддинк билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилмаса, у судга мурожаат этади.

Виталий Кличко ва поляк "аждар"и

Ўта оғир вазнда WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Виталий Кличко Альберт Сосновский билан бўлган жангда ғолиб чиқиб, ўз титулини ҳимоя қилди. "Аждар" лақабини олган Сосновский учрашув олдидан берган интервьюсида украиналик рақибини нокаут ҳолатига туширишни тактикасини ишлаб чиққани ҳақида тўхталган эди. Лекин буларнинг барчаси қуруқ гап бўлиб чиқди. Виталий Кличко Альберт Сосновскийни нокаут қилди.

ЖАР хавф остидами?

2010 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтказилаётган вақтда Жанубий Африка Республикаси террористик ҳужумлар майдонига айланиши мумкин, дея ёзади The Sunday Times газетаси. Бу хабарни газета хавфсизлик хизмати бўйича таҳлилчи ва экспертларнинг хулосаларига таянган ҳолда тарқатган.

— Террористик ҳужумларнинг юз бериши эҳтимолини 80 фоиз деб баҳолайман, — дейди террористик ҳужумлар эҳтимолини ўрганувчи НЕФА фондининг бошлиғи Рональд Санди. — Биз олган маълумотларга кўра, бир неча объектлар террорчиларнинг нишонига айланиши эҳтимоли мавжуд. Бу объектлардан баъзиларига бир вақтнинг ўзида, айримларига якка ҳолда ҳужум уюштирилиши мумкин. Биз бу маълумотларни тарқатишда қўлга туширилган Жазоир, Мали, Покистон ва Ямандаги террорчиларнинг радиоалоқаларини асос қилиб олдик.

Лобар РАҲИМЖОНОВА тайёрлади.

Соҳибқирон бобомга деганларим

БАДИА

Миллатим фахри — Темур бобо! Болалигимда сиз ҳақингизда бобомдан кўплаб ривоятлар эшитганман. Адолат туғи ила кўтарган аркони давлатингиз неча асрлардан буён дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда. Сийратингизда одиллик, адолат, ўктамлик ва жасурлик барқ уриб турганини Яратганнинг иноятидеб билдим. Неча бор ҳарбу зарб юришларда ҳаёт йўлларингизни нурафшон этган оламшумул зафарларингиз кўшки равонингизни сарбаланд этди. Мағрибу машриққа таралган шавкатингиз бугун неча элу элатларнинг кўнгил уйларини ёритиб турибди. Китоб, осориатиқаларга муҳрланган порлоқ номингиз тарих зарварақларини безади. Илму маърифат, раъият, ижод аҳлига кўрсатган беқиёс ҳимматингиз қалбларни мунаввар этди. Шаънингизга битилган беназир ҳамду таърифлар буюк хизматларингизнинг биргина қисми, холос!

Мен мозий саҳифаларига боқарканман, юртимизнинг сўлим гўшасида қад кўтарган пурвиқор ҳайкалингиз қошида ўйга чўмаман. Таърифингизни битмоққа ортиқ муҳтож эмаслигингиз кўнглимдан кечади. Адолат, матонат тимсолига айланган руҳингиздан мадад олиб, келажакка одимлайман.

Бобожон, Истиқлол туфайли панд-насиҳатларингиз, ўгитларингиз битилган китоблар ўзлигимизни англатди. Айниқса, «Зафарнома», «Темурнома» дунё юзини кўргани бизни мозий сирларидан бохабар этди. Сизга — тарихга қайтмоқ бахти шажарангиздаги қанчадан-қанча улуғ фарзандларингизнинг маънавий меросини ўрганишга туртки бўлди.

Афсонавий қаҳрамонларимиз яна миллат тимсолига айланди. Биргина назм гулшанининг султони Алишер Навоийнинг маънавий мероси, Бобур ва унинг авлодлари бунёд этган осорул-атиқалар, Улуғбек Мирзонинг илм-фанда қўлга киритган ютуқлари тарихий ҳақиқатларни чуқур билишга давъат этмоқда. Она юртимиз сиздек улуғ фарзандлари туфайли қутлуғ ва олиймақом рутбаларга эга бўлмоқда. Сизнинг ҳалоллигингиз, сўзингиз билан ишингизнинг бирлиги, бунёдкорлигингиз, кечиримли ва меҳрибон бўлганингиздан ҳар қанча сабоқ олсак, арзийди. Табаррук қадамжоларингиз кўнгилларга ажиб бир ёруғлик олиб кирди. Маънавиятимизни бойитиб, улуғ ишларга рағбат уйғотди. Аслида не-не жангу жадалларда мардона ва ўктам юришларингиз боис эришилган ҲУРЛИК халқимизнинг ҳам орзуси эди! Ҳурликнинг қадрига етган ҳар бир инсон қалбига Сизнинг эл-юрт учун фидойилигингиз шижоат бағишлайди.

Темур бобо! Баъзан Хўжа Илғор қишлоғи ёки қадимий Кешнинг тарихий обидалари қошига борганимда, онгу шууримни буюк бобокалонларимизга муносиб ворис бўлмоқлик туйғуси забт этади. Шунда қалбимни биз – бугунги ёш авлоднинг маънавий баркамоллик бобида уларга қай даражада муносибмиз, деган савол қийнайди. Ул улуғ зотларнинг маънавий уммонидан баҳраманд бўлиб, Сиз айтган миллат ишига қачон ўзимизни бағишлай оламиз? Сиз ният қилган эзгу амаллар, адолатли ўгитларингиз қачон ҳаётимиз мезонига айланади?!.

Сизга — эътиқод, ишончу имонга бўлган садоқатим боис дилимдаги туйғулар шаънингизга нурдек ёғилаверади, иншоолло.

Адиба УМИРОВА

Абулқосим ФИРДАВСИЙ

ТАФАККУР

Ўзининг айбини билганда одам...

Нодонликдан ёмонлик келади фақат,
Нодонга ёндашма, босмасин ғафлат.

* * *

Ёмонга қўшилма, бўлурсан ёмон,
Қаросин юқтирар доимо қозон.

* * *

Икки дўст тураркан елкама-елка,
Тоғларни ҳам осон айлайди тилка.

* * *

Панду насиҳатдан ким ўгирди юз,
Заҳмати минг бўлур, пушаймони — юз.

* * *

Ақл улуғликка этади пайванд,
Ақлсизнинг доим оёғида банд.

* * *

Ўзининг айбини билганда одам,
Бошқалар айбини сўзламасди ҳам.

* * *

Гапирмаган гапинг ичингда ниҳон,
Ҳар томон ёйилар айтганинг замон.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 320-таянч мактаби томонидан Ғафурова Рисолат Мурадуллаевна номига берилган O'R-Z № 0905597 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Зафар САИДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЎАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@mail.ru

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Тошкент — 8-370-383-97-53
Қашқадарё — 8-375-310-17-73
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.45

® — тижорат белгиси.

Адади: 14158 Буюртма — Г-526 12345